


Oila va jamiyat

@oilavajamiatgazetasi_bot



ISHSIZLIK MUAMMOSI HAL ETILSA,

*Odam savdosi
qurbonlari kamayadi*

Кишилар қачонки ўз юртида касби корига эга бўлса, даромади чиқимидан кўпроқни ташкил этсагина ўз ҳаётидан рози бўлиб яшаши мумкин. Ортиқча ҳою-ҳавасга берилмаслик, тез фурсат ичида мўмай пул топиб бойиб кетиш – бу каби ясама орзуларга ружу қўймасдан ҳалол меҳнат қилганда, сира қулликка тушиб қолмайди. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор. Бу ишсизлик. Ишсизлик муаммоси юқори экан, одам савдоси домига тушиб қолишнинг бирдан-бир манбаи ва сабаби бўлиб қолаверади. Демак мамлакатда юқори маошли иш ўринлари сонини ошириш борасида сохта жадваллар эмас, амалий натижага эришиш бўйича ҳаракат қилиш лозим.

●9

Nomusini ko'mgan qiz

Наҳотки, шу ерга-я? – устанинг қалби бу қишлоқларда шундайин қабихликка қодир одамлар ҳам борлигидан ларзага келди. Жазирамада эти куйиб, қип-қизил гўштга айланган, бутун бошли чивинларга ўлжа бўлиб ётган ушоқдек жонсиз танани кўргач даҳшатдан ёқа ушлаб қолди. Бу бегуноҳ гўдакнинг то жон таслим қилгунга қадар қанчалар азоб чекканини тасаввур қилди. Юраги ачишиб кетди, томоғини нимадир куйдиргандек бўлди. Кўзидан оққан ёшни сездирмай артиб қўйди. ●6

“Bog‘i” bor, “bog‘boni” yo‘qlar

Азалий қадриятларимизга кўра, авлодлар шажараси оиланинг соябони, пуштипаноҳи ҳисобланмиш оталар “занжири” билан белгиланган. Туркийларнинг энг улуг ва энг муқаддас қадриятлари шудирки, етти пуштини билмаган инсонлар комил бўла олмаганлар. Хўш, буюк қадриятларимиз тикланаётган вақтда бу муқаддас анъанамизнинг аҳволи нечук? Бугунги авлодларимиз шажаранинг нима эканлигини билладиларми?



●7

“Ommaviy madaniyat” ning qizil nayrang'i

Yoxud qizmi bu, yigitmi bu?

Тўғри, айримларнинг бу борада шахсий диди шаклланмаган. Улар ўзи идеал деб билган инсонларга ёхуд машхур кишиларга тақлид қилиб кийинадилар. Эркакларнинг, айниқса ўсмир йигитларнинг ўта тор, юпқа ва калта ва гулдор кийимлар кийиши замирида мақтанчоқлик, ўзини ва баданини кўз-кўз қилиш каби иллат ҳам “мўралаб” туради. Бундай либослар кийишга қизиқувчан йигитлар психологияда “оғишган руҳият” деб аталади. Қолаверса, бугунги давр йигитлари устки ва оёқ кийимларнинг ёрқин рангдаги, айниқса, қизил тусдагиларини танлаб кияётганлари аксарият ҳолларда бизни эсанкиратиб қўяётгани ҳам бор гап.



●10

SO'RANG, JAVOB BERAMIZ?

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолияти юзасидан брифинг ўтказилди. Брифингда барчани қизиқтирган саволларга вазирликнинг Ахборот хизмати раҳбари Саодат БОЙМИРЗАЕВА батафсил жавоб берди.

Юртимизда карантин чекловлари даярли юмшатилади. Ҳамюртларимизнинг кўпчилиги ўз ишига ёки бошқа даромад топиш машғулотларига киришган. Бир сўз билан айтганда, ҳар кимнинг ўз кунини ўзи кўриши учун ҳозир барча имкониятлар бор, тўсиқлар йўқ.

Саволим, шундай шароитда давлатимиз томонидан аҳолига яна моддий ёрдам кўрсатиш учун жиддий ижтимоий зарурат бор эдимиз? Давлат ҳозирги мураккаб шароитда бу маблағларни бошқа ўта муҳим ишларга сарфлаши ўринли эмасми?

Жавоб: Албатта, бугун карантин чекловларининг аксарият қисми йўқ, сиз айтганингиздек, одамларимизнинг ўз имкониятлари даражасида турмуш кечиришлари учун кўплаб имкониятлар қайта очиб берилди.

Аmmo шунинг унутмаслик керакки, ҳар бир давлат ҳамда ҳар бир жамият ўз тарихидаги ўта ижтимоий муҳтож ва эҳтиёжманд қатлам вакилларига кўмак беришга ҳаракат қилиб келади.

Шу маънода муҳтарам Юртбошимиз томонидан кунни кеча эълон қилинган "Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги навбатдаги қарор демократик ислохотлар жадал суратларда олиб борилаётган давлатимиз томонидан қўйилган яна бир муҳим қадам, бугунги кун учун зарур қарор эканлиги билан катта аҳамиятга эга.

Айни кунларда карантин қоидаларининг юмшатилиши ортидан халқимиз турмуш тарзида бир қатор ижобий ўзгаришлар ва энгилликлар бўлса-да, аҳолининг баъзи эҳтиёжманд вакиллари учун бугунги мураккаб кунларнинг синовили онлари ҳали ҳамон сезилмоқда, — буни яширишнинг ҳолати йўқ.

Шунингдек, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг болаларини қишки кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш борасида ҳам бу қарор ижроси муҳим ва катта ижтимоий кўмак бўлади. Бир сўз билан айтганда, мазкур моддий ёрдам аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш ва ҳаётдан рози бўлиб яшаш, давлатимизнинг яна бир

инсонпарварлик ташаббуси сифатида катта аҳамиятга эга.

Қарорда белгиланганидек, бир қатор масъул ташкилотлар қатори Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлимлари раҳбарларига "темир дафтар"га киритилган оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган фарзандлари сонидан келиб чиқиб, тўлов рўйхатларини шакллантириш ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари орқали уларга моддий ёрдам пулларининг ўз вақтида ва манзилли етказилишини ташкил этиш ва назорат қилиш вазифаси қўйилган.

Савол: Мазкур моддий ёрдам берилиши назарда тутилган, "темир дафтар"га киритилган оилалар олдинги рўйхатдаги оилаларми ёки бу оилалар рўйхати қайта тузиб чиқилиши?

Жавоб: Давлатимиз раҳбари юртимиз тарихида илк бор камбағаллик, камбағал оилалар ҳақида айтиб ўтгандан сўнг мамлакат миқёсида камбағалчиликни камайтириш бўйича аниқ чоралар белгилаб берган эди.

"Темир дафтар" ана шундай ташаббуслардан биридир. Яъни ҳар бир маҳалла, қишлоқ, шаҳарча ва овул фуқаролар йиғинида аҳоли ва оилалар ҳисобини юриштириш назарда тутовчи "Темир дафтар" тизими жорий этилиб, унда маҳаллаларда яқин тартибдаги хонадонларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати акс эттириб борилмоқда.

Яна ҳам аниқроқ айтганда, "Темир дафтар" аҳолини камбағалликдан чиқариш, бунинг учун улар билан манзилли ва мақсадли иш олиб бориш йўлида муҳим манба ҳисобланади.

Дастлаб аъзолари 1,7 миллион нафардан ортиқ бўлган 400 мингдан кўпроқ оилалар "темир дафтарга" киритилган. Аҳамиятлиси, эҳтиёжманд аҳоли қатламини камбағалликдан чиқариш ва бошқа эҳтиёжманд оилаларни "темир дафтар"га киритиб борилгани сабабли бу рўйхат доимий янгиланиб борилади.

Президентимизнинг юқорида келтирилб ўтилган қарори асосида жорий йилнинг сентябр ойида "темир дафтар"га киритилган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳудудий секторлар ҳамда фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда республикамиздаги 409 мингта оила "темир дафтар" тизим орқали рўйхатга олинди. Мазкур оилалар аъзолари сони 1 млн. 726 минг кишини ташкил этади.

Эҳтиёжманд оилаларни "темир дафтар"га киритишда 5 та муҳим мезонга асосий эътибор берилмоқда.

Буллар:

- оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ногиронлари ва сурункали касалликка чалинган аъзолари мавжудлиги;

- оиланинг яқин ёлғиз кексалар, бевалар ва ўзгалар қарамоғига муҳтож кам таъминланганлардан иборатлиги;

- беш ва ундан ортиқ фарзанди бор оилалар;

- коронавирус пандемияси сабабли қўлланилган карантин чоралари натижасида ўзининг даромад манбаини йўқотган (шу жумладан, четдан қайтган меҳнат муҳожирлари), бироқ "темир дафтар"га киритилмай қолган оилалар;

- оиланинг ҳақиқатда эҳтиёжманд, ночор ва моддий кўмакка муҳтожлиги.

Савол: Ўзим ногиронман, турмуш ўртоғим вақтинча ишсиз. 4 та болам бор. Эҳтиёжманд оилаларга давлатимиз томонидан яна моддий ёрдам берилаётгани ҳақида эшитиб, маҳалладан бизга ҳам шу моддий ёрдамдан беришларини сўрасам, маҳалламиз раиси, эрингиз бор, меҳнатга яроқли, сизга беролмаймиз, деб рад этди. Шу тўғрими?

Жавоб: Аввало, шунинг айтиб ўтишим лозимки, мазкур моддий ёрдамни беришда оилалардаги болаларнинг ижтимоий ҳолатига асосий урғу берилган. Яъни:

- моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож — "темир дафтар"га киритилган оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болалари;

- боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болалари;

- ногиронлиги бўлган 16 ёшга тўлмаган болалар.

Биринчи устундаги — оилаларнинг "Темир дафтар"га қайси мезонлар асосида киритилиши ҳақида юқорида маълумот бериб ўтдик.

Кейинги устунлардаги аҳоли қатламлари эса ўз-ўзидан маълум — улар ҳақидаги маълумот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан шакллантирилади ҳамда уларга моддий ёрдам пуллари ҳар ой олиб келаётган пенсия ва нафақа пулларига қўшимча равишда етказиб берилади. Банк пластик картасига эга фуқароларнинг эса пластик карталарига ўтказиб берилади.

Саволингиз бўйича шунинг айтишим мумкинки, сизнинг оилангизнинг реал ижтимоий ҳолати ҳақида кўпроқ ўзингиз яшаб келаётган фуқаролар йиғини вакиллари хабардор. Шу сабабли оилангизни "темир дафтар" рўйхатига киритиш масаласида фуқаролар йиғинига мурожаат қилишингиз тавсия этилади.

Савол: Тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга "ҳимоя ордери" беришнинг тартиби қандай? Унда кимлар иштирок этади? "Ҳимоя ордери" фақат жабр кўрган хотин-қизнинг ўзига бериладими?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида"ги 3-сонли қарорида бу ҳақида батафсил маълумот бериб ўтилган.

Унга кўра, ҳимоя ордери бериш жараёни тазйиқ ва зўравонлик қурбонининг мурожаати, жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ёки ижтимоий тармоқлар орқали тарқалган хабарлар, шунингдек, тазйиқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш ҳолатларининг ваколатли органлар ходимлари томонидан аниқланган ҳолатлар, давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан олинган материаллар асосида бошланиши белгиланган.

Мазкур тазйиқлар асосида аниқланган тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ҳақидаги хабарнома дарҳол ички ишлар органларига тақдим этилади. Назоратга олинган ҳолат ички ишлар органлари навбатчилик қисмидаги дафтарда қайд этилган, мурожаатда кўрсатилган ҳудуд профилактика инспекторига тақдим этилади.

Профилактика инспектори тазйиқ ёки зўравонлик содир этилиши билан боғлиқ ҳолатни 24 соат мобайнида ўрғаниб чиқади ҳамда ўрғаниш давомида тегишли чоралар кўради.

Профилактика инспектори мурожаат ва хабарларни ўрғаниш якуни бўйича тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда — ҳимоя ордери расмийлаштирилади.

Ҳимоя ордери уч қисмдан иборат бўлади:

- биринчи, яъни асл нусхаси жабрланувчиларга берилади;

- иккинчи нусхаси зўравонлик содир этган шахсларга берилади;

- учинчи нусхаси профилактика инспекторига қолади.

Ҳимоя ордери ўттиз кун муддатгача берилади ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Жорий йилнинг ўтган 7 ойи давомида мамлакатимиз бўйича 3 592 нафар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордери берилади.

VAZIRLIK 18 NAFAR AYOLNI O'Z HIMOYASIGA OLDI

Жорий йилнинг 26 август кунини Ўзбекистон Республикаси Олий судида жазони ижро этиш муассасаларида оғир, ўта оғир жиноятларни содир этиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган 18 нафар маҳкума аёлларнинг назорат тартибда берган шикоятлари кўриб чиқилди.

Олий суд раиси ўринбосари Иқром Муслимов раислигида бўлиб ўтган мазкур очик суд мажлисларида ҳар бир аёлнинг назорат тартибда берган аризаси қонун доирасида батафсил ўрганилди. Ўрганишлар давомида маҳкума аёлларнинг жазонинг асосий қисмини ўтагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жазони ўташ жараёнида ўзининг ижобий жиҳатларини намоян эитиб, муассаса

раҳбариятининг ташаккурномасини олганлиги алоҳида эътиборга олинди.

Маълумот сифатида айтиб ўтиш жоизки, 2020 йилнинг 7 июлида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ўртасида жамиятда оила институтини мустаҳкамлаш, оилалар ва маҳаллаларда фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашга кўмаклашиш, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишув имзоланган эди.

Мазкур келишув асосида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирли-

ги томонидан жазо муддатини ўтаётган 18 нафар аёлнинг вазирлик ҳимоясига олиниши инobatта олинди ҳамда содир этган жинояти учун тайинланган жазони асосий қисмини ўтаган, қилмишига иқрор ва пушаймон бўлган мазкур аёллар қафолат хати асосида жазодан муддатидан олдин озод қилинди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги озодликка чиқарилган мазкур аёллар билан манзилли ишларни ташкил қилиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш,



ижтимоий ҳаётга тўлиқ мослашишлари, шунингдек, бу каби салбий ҳолатларнинг такрорланмаслиги учун барча чораларни кўради.

Саҳифани Бектош ИСМОИЛОВ тайёрлади.

QURBON BO'LMASLIK UCHUN "QURBON" BO'LISHNI

Ҳамма қатори ишдан бўш вақтим топилди дегунча ижтимоий тармоқларга кирман. Баъзан жамиятимизда ва кимларнингдир ҳаётида рўй бераётган қувончли воқеаларни ўқиб хурсанд бўламан. Еган овқатигача мақтаниб саҳифасига жойлаганларни кўрсам, энсам қотади, баъзи бачканаларни (куёв салом каби) кўриб, "шок" қа тушган пайтларим ҳам бўлади.

Мени энг кўп хафа қилган нарса – хотин-қизларнинг оилаларда камситилиши учраб турганлиги. Камига аёлларнинг ўз ҳамжинслари устидан "Самосуд" қилишлари, қизларнинг тақдирига бефарқ қарашлари туфайли қизчаларнинг болалигидан зўравонлик қурбонига айланишлари... Бундай фожеалар ҳақида ўқийверсанг юрак бағринг қон бўлади.

Шу кеча-кундузда самарқандлик "қахрамон" (ҳайф унга Шероз деган исм)нинг ўзидан 10 ёш кичик хотинини уриб, тепкилаганини кўрган ҳар бир инсоннинг нафрати кўзгаган бўлса ажаб эмас. Ёки бўлмасам, яна бир вилоятдан ёш келинчакни икки нафар ўғилчасининг кўз ўнгида уриб, судраб, кўчага улоқтирилаётганини кўришнинг ўзи азоб. Хўш, ана шундай зўравонликлардан хотин-қизларимизни ҳимоя қилишнинг қандай чораси бор? Бугуннинг аёллари, мақоми(олий маълумотли, ўрта маълумотли, ишли-ишсиз)дан қатъий назар, қуйдагиларни билиши лозим.

Энг биринчи ва қонуний ҳимоя – бу ўтган йилнинг 2 сентябрь куни Президент томонидан имзоланган "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонундир. Мазкур қонунда зўравонлик, жинсий, жисмоний, иқтисодий, руҳий зўравонликлар, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи, тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, тазйиқлар ва зўравонликнинг олдини

BAS QILISH LOZIM



олиш, муҳофаза ордери каби тушунчаларга аниқлик киритилган ва уларнинг мазмун-моҳияти тўлиқ очиб берилган.

Қабул қилинган ҳужжат орқали эндиликда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи аёл ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилгани ёки уларни содир этиш таҳдиди тўғрисида ариза билан тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, улар махсус марказларда, ишонч телефони орқали бепул ҳуқуқий маслаҳат олади. Ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш, ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилишга ҳақли.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисидаги низомга кўра, ҳимоя ордери мувофиқ серия ва рақамга эга бўлган, қатъий ҳисоби юритилмайдиган ҳужжат ҳисобланади.

Ҳимоя ордери ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика (катта) инспектори томонидан схемага мувофиқ берилади. Ҳимоя ордери туман (шаҳар) ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

бўлималарида юритилмайдиган алоҳида дафтарда қайд этилади.

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ва ташкилотлар жабрланган хотин-қизлар бўйича маълумотга эга бўлган мувофиқ шаклдаги хабарномани дарҳол ички ишлар органларига тақдим этади.

Хабарнома қонун ҳужжатларига мувофиқ ички ишлар органлари навбатчилик қисмидаги дафтарда қайд этилади. Тазйиқ ва зўравонлик тўғрисида хабар берган шахслар ва тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўриқланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига назарда тутилган жиноят белгилари аниқланган тақдирда – ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги

масалани кўриб чиқиш билан бир вақтда иш материалларини жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчиларнинг ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги аризаси уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомилийк

органнинг вакили иштирокида кўриб чиқилади.

Шахс ҳимоя ордерини олишни ва уни имзолашни рад этганда, профилактика инспектори ҳолислар иштирокида далолатнома тузади ҳамда уни ушбу хатти-ҳаракатни давом эттирган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши тўғрисида расмий огоҳлантиради ва бу ҳақда жабрланувчини хабардор қилади. Ҳимоя ордери расмийлаштирилганда барча ёзувлар кўк (хаворанг) сийҳли ручкада, тушунарли қилиб ёзилади.


Сўзим сўнигида яна бир бор демоқчи бўлганим – ҳамма нарсанинг чегараси бўлади, айниқса, инсонга мулоқот учун тил бежиз берилмаган. Ҳамма нарсага мулоқот орқали аниқлик киритиб оلسа бўлади. Чидаб бўлмас даражада айби бўлса, бировнинг боласига жабр қилмай, жавобини берган маъқул деб ҳисоблайман. Ҳар бир зўравонлик, у қарда содир этилмасин, қонуний жавобини олмоғи лозим.

Зебо ҲАЙДАРОВА,

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўлими бошлиғи

“
Шу кеча-кундузда самарқандлик “қахрамон” (ҳайф унга Шероз деган исм)нинг ўзидан 10 ёш кичик хотинини уриб, тепкилаганини кўрган ҳар бир инсоннинг нафрати кўзгаган бўлса ажаб эмас. Ёки бўлмасам, яна бир вилоятдан ёш келинчакни икки нафар ўғилчасининг кўз ўнгида уриб, судраб, кўчага улоқтирилаётганини кўришнинг ўзи азоб. Хўш, ана шундай зўравонликлардан хотин-қизларимизни ҳимоя қилишнинг қандай чораси бор?

НЕСН КИМ Е'ТИБОРДАН СҲЕТДА ҚОЛМАЙДИ



ичидаги курмакларни кўринмай кетишига сабаб бўлмоқда. Фикримизнинг исботи сифатида Қизириқ туманида ўзимиз гувоҳ бўлган биргина ҳолат ҳақида икки оғиз айтиб ўтишни жоиз деб билдик.

Гулобод қишлоғи Қизириқ туманининг энг чекка ҳудудларидан бири. У ерда яшовчи аҳоли ўртасида ҳам моддий ёрдамга муҳтож оилалар бор. Шундай оилалардан бири Абдуллахон Нуруловлар оиласи. Бу оила аъзолари ҳалол меҳнат билан кун кечиришади. Аммо оила бошлиғининг топган даромади рўзгоридан ортмайди. Оила аъзоларига айниқса ёз кунлари музлаткичга муҳтожлик сезилади. Ушбу оиланинг туман ҳокими Илҳом Юсуповга қилган мурожаати ўрганилиб, яқинда уларга музлаткич совға қилинди.

Туман ҳокимлиги томонидан ҳар бир қишлоқдаги ёрдамга муҳтож оилалар алоҳида ўрганилмоқда. Уларга имкон қадар ёрдам бериш мутасадди раҳбарларнинг асосий мақсадига айланган. Қизириқда ҳеч бир оила эътибордан четда қолмайди.

Чорихон ҚОСИМОВ

Сентябр ойининг ўртасидан ўқув масканлари очилиши ҳақидаги хабардан кейин ижтимоий тармоқларда жуда кўп ота-оналарнинг хавотирларини кузатаёпман. Бу табиий албатта. Ҳар бир ота-она учун фарзандининг саломатлиги биринчи ўринда.

Xavotiringiz samimiymikin?

Сиз шунчалар болангиз ҳақида қайғулар экансиз, уларнинг соғлиги ҳаёт-мамат масаласи экан, бунга кузатиб хурсанд бўлади киши. Лекин... мени битта савол ўйлантираётти. (Бу аксарият қўштирноқ ичидаги одамларгагина тегишли) Ўзингиз болаларингизни қанчалик эҳтиёт қилаясиз?

Карантин қоидалари енгиллаштирилган, фарзандингизни етаклаб меҳмондорчиликларга шошдингиз. Болангизни уйга ташлаб, бозорма бозор кийим ахтардингиз. (Гўёки болангиз уйда, бежавотир жойда). Карантин ҳали тугамасидан гап-гаштакчилар билан қайси кафе, чойхонада учрашингизни белгилаб қўйдингиз. Ниқобни фақатгина солиқ тўлашдан қўрққангиз боис тақшингиз, кўчада зарур ишингиз бўлмасида, бир баҳона топиб айланиб юришингиз... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Гўёки бундан кейин тўғри уйғамас, карантин зонасига кетаётгандек. Ахир сиз ҳаммадан асраб-авайлаётганларингиз: оилангиз, ширин-шакар фарзандларингиз, нуроний ота-онангиз олдида қайтиб бораёйсизку. Аслида ўзингиздан хавотирланишингиз керакмасмикин...

Нилуфар САПАЕВА.

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда айрим ҳокимларнинг шаънига ёғилаётган турли-туман фикрлар сабаб туман, вилоят раҳбарларининг фаолияти ҳақида одамлар онгу шуурида “Ҳокимлар ваъдабоз, халқ манфаати учун эмас, ўз манфаати учун ишлайди”, деган фикрлар шаклланиб бегиж эмас.

Аммо ўз касбини виждонан бажарадиган, куну туну халқ ҳаётини фаровонлаштириш дарди билан яшаётган, фидоий раҳбарларнинг кўпчилиги гуруч

VIRUSDAN QUTULDIM, UYGA KETYAPMAN!

Ташқарига чиқдим. Ни-
магадир томоғим бироз
кичишгандек бўлди.
Кўнгалга бир нималар келди.
Ундай бўлмаса керак? Менда
вирус нима қилади? Ҳеч ким
билан учрашмаган, сўрашмаган
бўлсам. Аксига уйда оилам ва
болаларим ҳам йўқ. Улар мана
бир неча ойдирки бобосининг
ёнида. Ювиндим, кийиндим, ле-
кин нонушта қилмадим. Чунки
иштаҳам йўқ эди. Уйдан чиқиб
ишга бордим. Эрталабки без-
овталиқ ўтиб кетмади. Танам
нимагадир ҳали ҳам қақшаб
оғриб турибди. Ён чўнтагимдаги
доридан ичдим. Бироз оғриқ
камайди.

Телефонимга қарайман. Соат эн-
дигина ун ярим бўлибди. Ижтимоий
тармоқларни кузатаман. Расмий ха-
барларни ўқийман. Барчасида битта
гап «коронавирус». "Бу давлатда унча
одам, бунисиди эса бунча одам ка-
салликка чалинибди, яна шунча одам
ўлибди" деган жумлаларни ўқийман.
Нима керак ваҳима қилиб. Ҳаётимизни
ўзи ваҳима бўлса. Қўрқиб турсанг,
қўрқиб уйғонсанг, қўрқиб ишга бор-
санг. Худди "ҳозир бир нима бўлади",
дея титраганча, турдим, ўтирдим,
хуллас кўлим ишга бормади. Туш-
лик баҳонасида ишдан чиқиб уйга
қайтман. Йўлда эса миниш учун
автоулов йўқ. Кун эса иссиқ. Қўлимдаги
газетани соябон қилгунча ўз йўлимда
давом этяпман. Йўл-йўлакай дорихона-
дан ҳар эҳтимолга қарши дори-дармон
сотиб олдим.

Уйга келдим, чой қўйишга ҳам ма-
дорим қолмади. Куёш иссиғидан бўлса
керак, дея ўйладим. Кондиционер
ва телевизорни ёқдим. Бирам маза.
Ҳаёт бор эканку, – дея ўйладим. Теле-
визорда эса яна ўша мавзу. Кўрсанг,



ўйласанг ёмон ҳолатга ту-
шиб қоласан. Тавба қилдим.
Бу балодан Яратганинг
ўзи асрар, дедимда теле-
визорни ўчиргунча ухлаб
қолибман.

Қанча ухлаганлигимни
билмайман. Ўрнимдан
бир амаллаб турдим. Чор-
атроф қоп қоронги. Қаерда
эканлигимни англай ол-
маяпман. Туш кўряпман
шекилли, дея ўйладим.
Ютина олмадим, бада-
ним қақшаб оғрияпти. Бир
амаллаб чироқни ёқдим.
Тунги соат ўн икки. Роса
ухлабман. Дориларимни
ичдим. Аввалига шунчаки
шамолладим, деб ўйладим.
Тана ҳароратим ҳам юқори.
Умуртқа поғонам юқоридан пастгача,
оёқ ости ва тиззаларим эса қақшаб,
ичим ҳам оғрияпти.

Аксига ёнимда бирон бир киши йўқ.
Наҳот менда ҳам вирус бўлса, дея фу-
рацилинни эритиб, томоғимни ғарғара
қилдим. Дори ичдим. Саримсоқни
оғзимга солдим. Лекин таъмини сез-

“
“
Аксига ёнимда би-
рон бир киши йўқ.
Наҳот менда ҳам
вирус бўлса, дея
қайнатилган сувда
фурацилинни эритиб,
томоғимни ғарғара
қилдим. Дори ичдим.
Саримсоқ билан нон-
ни оғзимга солдим.
Лекин саримсоқ таъ-
мини ҳам сезмадим.
Бир амаллаб тонг от-
тирдим.

мадим.

Бир амаллаб тонг от-
тирдим. Иссиқ туширади-
ган дори ичдим. Лимон
чайнадим. Ҳароратим би-
роз тушганидан сўнг оила-
вий врачимизга кўнғироқ
қилдим. У босқичма-босқич
масофадан мени текшир-
ди. Шундан кейин у менга
«сенинг овозинг ёқмаяпти»
деди. Чунки томоқларимда
хириллаш пайдо бўлган
эди. Шу вақтда ҳам ҳали
коронавирус юқтириб олган-
нимни билмаган эдим.

У аломатларни кўриб
дарҳол айтдики, бу –
COVID-19! Ушанда ҳам
охиригача шамоллаганман
деб баҳслашганман. Гарчи
COVID-19 аломатлари қандай бўлиши
хақида тўлиқ тушунчага эга бўлмасам-
да!

Теста таҳлил топширдим. Натижаси
«мусбат» деб айтишди. Янада саро-
сималаниб, баттар кўрқиб кетдим...
Сўнгра ўзимга келдим, бу ҳам бир синов
эканини, шу нарсани ҳам бошдан кечи-

ришим кераклигини англадим.

Шифокорим, мобил гуруҳда коро-
навирус инфекциясини енгиб ўтиш
йўлларини тушунтириб, инфекция-
дан ҳимоя қила оладиган дорилар
тўпламини берди.

Улар айтганига амал қилдим. Фақат
уч кун жуда оғир ўтди. Лекин чидадим.
Ўзим учун, оилам учун. Шифокорим
ҳар икки уч соатда сўраб турди. На-
тижаси ёмон эмас. Ёмони ўтиб кетди.
Ҳозир анча яхшиман. Иштаҳам ҳам
жойида, таъм билишим ҳам. Томоқдаги
кичишиш ва танамдаги оғриқ йўқолди.

Менга витаминлар, антибиотик,
сув, занжабил (имбирь), саримсоқ
пиёз, лимон анча ёрдам берди. Ле-
кин кези келганда айтишим керакки
кўшниларишдан жуда миннатдорман.
Улар мендан хол-аҳвол сўрашиб, озиқ-
овқат маҳсулотларини эшигимнинг та-
гигача етказиб бериб, дардимга далда
бўлишди.

Очиги, шу кунларда бир нарсани
англадим. Бу оддий вирус эмаслигини,
одамларни танламаслигини, сен бой,
у камбағал, сен раҳбар, у ишчи деб
ўтирмаслигини. Сизларга айтадиган
биринчи гапим: ташқарига чиқмасликка
ҳаракат қилинг. Уйга келдингизми,
кўчада фойдаланилган кийим-кеча-
қларни, пойабзалнинг остки қисмини
дезинфекция қилиб, тозалаша ҳаракат
қилинг. Бирон бир киши билан мулоқот
қилганингизда масофага аҳамият бер-
ринг. Бир мартали ниқоблардан фой-
даланишни унутманг. Бирон бир дорини
ичишдан олдин шифокорингиз билан
маслаҳатлашинг.

"Кўрганингдек, ҳозир соғ-
саломатман. Бу мен учун синов бўлди.
Кетяпман!"

– Қаерга? – дейман. "Уйга, болала-
римни олдига. Уларни ҳам оғоҳ этгани",
– дейди вирус чангалидан эсон-омон
кутилиб олган дўстим.

Гулом ПРИМОВ,
журналист.

O'NG QO'LING BERGANINI, CHAP QO'LING BILMASIN



**Ёшлар ташкилотиди иш-
лаб юрган кезларим. Ҳомий
топиш илинжида бир тад-
биркорга қилган мурожаати-
миз жавобсиз қолди. Энди
нима қилишга, қайси эшикни
тақиллатишга ҳайрон бўлиб,
жиғибийроним чиқиб туриб-
ди. Ташвиш келса, кўша ке-
лади деганларидек, бу ёқда
бошқа ишларим ҳам қолиб
кетиб, бошлиқдан ҳам гап
эшитдим.**

Мана шу ўй-хаёллар билан бўлиб
эрта тонгдан чой ичмасдан уйдан чиқиб,
кешиб қош қорайғач қайтаман. Хонадо-
нимиз фариштаси – бувижоним менинг
ҳолатимдан ташвишланди чоғи секин
гап бошлади:

– Ҳа болам, негадир шу кунларда
шаштинг пастроқ? Корхонангда ишинг
юришмаяптими?

– Жуда сезгирсиз-да, бувижон. Сиз-
дан бирор нарсани яшириб бўлмайди,
– дедим-да дилимдагини тўкиб-сочдим.
Бувим мени тинглаб турди-да
мийғида кулиб:

– Ахир шу арзимас нарсага ҳам
сиқиласанми? Кишининг қалбида

нима ўй, ташвиши борлигини фақат
Яратганига билади, холос. Битта ил-
тимосингни бажармагани учун инсонни
ёмон отликка чиқариш керак эмас. Гап
келганда сенга кишлоғимизда бўлиб
ўтган бир воқеани сўзлаб берай...

Бизнинг кишлоқ кичкина бўлса
ҳам одамлари меҳр-оқибатли, са-
хий, очиккўнгал эди. Қайсидир
ҳамкишлоғимизнинг бошига ташвиш
тушса, оқсоқоллар ҳамжиҳатликда,
бир ёқадан бош чиқариб, маслаҳат
қилиб унга кўмаклашишарди. Бир кун
кишлоғимиздаги дурадгор устанинг
ёнига оқсоқол келиб:

– Сен жуда кўлигул устасан.
Меҳнатинг ортидан яхшигина пул то-
пасан, лекин фақир-муҳтожларга ҳеч
ҳам хайр-эҳсон қилмайсан-а?! Кўча
бошидаги қассобни қара, деярли ҳар
кун камбағалларга гўшт тарқатади.
Сен ҳам бундоқ, кўлиочилиқ бил-
лан ён-атрофингиздаги кўшнилари-
нга қарашсан-чи? – дебди.

Бу гапларни дурадгор жим эшитибди-
да, чолга ҳеч қандай жавоб бермай
ишини давом эттириверибди. Шу-шу
кишлоқда дурадгор уста жуда хасис деган
гап тарқалибди ва кишлоқдошлари унга
бармоғини бигиз қилиб кўрсатадиган
бўлишибди. Аҳволи шу даражага бориб
етибдики, хасталаниб шифтга термулиб
ётган, қазоси яқинлашган устандан ҳеч
ким хабар олмай қўйибди. Ниҳоят, уста

бандаликни бажо келтирганида биродар-
лари уни урф-одатларимизга мувофиқ
сўнги манзилга кузатиб, маъракаларини
ўтказишибди.

Уста вафотидан кейин бир неча
ой ўтгач, одамлар қассоб бўлиб
тарқатмай қўйганини сезиб қолишибди.
Оқсоқоллар бунинг сабабини ундан
сўраганларида қассоб:

– Дурадгор уста ҳаётлик чоғида
менга ҳар сафар пул келтириб, эвази-
га мискинларга гўшт тарқатишимни
сўрарди. Ҳозир эса менга ҳеч ким пул
бермаяпти? – деб жавоб қайтарибди.

Воқеанинг мана шу ерига келганда
бувим менга қараб туриб:

– Инсон қалбини фақат Оллоҳгина
билгувчидир. Кўпинча кимгадир зигирча
яхшилик қилиб, бутун оламга жар со-
лаётганларни ёки бўлмаса, фалончига
шунча пулга эҳсон қилдим дегяётган-
ларни эшитиб қоламиз. Кулоғинга илби
ол, болам! Ҳадиси шарифларда ҳам ўнг
қўлинг берганини, чап қўлинг билмасин,
дейилган. Сенга рад жавобини берган
кишидан асло хафа бўлма. Балки
унинг шу кунларда бундай ишларга
имкониёти етмаётгандир. Балки у ҳам
дурадгор уста каби кимгадир ҳомийлик
қилаётгандир у бунча ошқора айтишни
истамас. Яна... Ким билади дейсан?

Бувимнинг ҳикояси мени ҳаётга
бошқача кўз билан қарашга ўргатди.

Ферузбек САЙФУЛЛАЕВ.

CHUSTNING BUHOROLIK KELINI

Уким дейсизми? Исмине айтишимиз биланок, Чустнинг юз-кўзидан ғайрат-шижоат ёғилиб турган дилбар аёли кўз олдидингизга келиши табиий. Чунки қахрамонимиз тadbиркор аёл сифатида анча танилиб улгурган.

Ҳа, бу Чуст шахрининг "Зарафшон" маҳалласида истиқомат қилиб келаётган Рўзигул Аноркулова. Унинг ишбилармонлигию изланувчанлиги, тadbиркорлигию ҳунармандлиги, бир неча касб-кор ва мутахассислик эгаси эканини билганимиз учун гапни нимадан бошлашни ҳам билмай қолдик.

Келинг, яхшиси, Рўзигул опанинг ёшлик йилларидан сўзлайлик. У асли Бухоро фарзанди. Ёшдудон шаҳрида туғилиб ўсган. Мактабни тугатгач, Тошкент полиграфия техникумида таҳсилни давом эттирди. Мана шу даргоҳ унинг тақдирини ўзгартирди. Пойтахтда бўлажак шифокор Зайниддин Аноркулов билан танишиб, бир-бирларига кўнгли бердилар. Рўзигул опа ўшанда ҳам дангалчи, бир сўзли, аммо ўйлаб иш тутадиган қиз эди, Наманганда туп қўйиб, палак ёзиб, бахтли ҳаёт кечиршига ишониб, розилик берди. Янглишмаган экан, Наманганда унча уч келинни ўз қизидай қадрлаб, улар меҳрини қозонган Ўғилжон опа янги келинни қучоқчи қутиб олди, мусофирлигини севдирмасликка ҳаракат қилди.

– Раҳматли қайнонамнинг самимийлиги, мулоҳазакорлигию доим ҳавасим келган, – дейди Рўзигул опа. – Насиб этса, мен ҳам улар каби қайнона бўламан, дердим. Шукр, Яратган тўрт ўғил берди, ҳозиргача уч келин туширдим. Бирор марта бўлсин, келинларим юзидан норозилик аломатини сезмадим, барчасининг чеҳраси очик, хушмуомила. Сўзларимни, ўғитларимни бажонидил қабул қилишади.

Бу йил Рўзигул опа ва Зайниддин аканинг турмуш қурганларига 36 йил тўлди. Тотув ҳаёт мевалари бўлган тўрт ўғилнинг бири ота, бири она изидан борди. Бобуржон хуқуқшунос-педагог сифатида таълим даргоҳларида ёшларга сабоқ бериб келаётган бўлса, Зухриддин тиббиёт ходими. У отаси билан бир жамоада фаолият юритяпти. Айтганча, оила бошлиғи Зайниддин



Аноркулов Чуст тумани санитария-эпидемиология маркази бош врачси. Уртанча ўғил Баҳриддин – тadbиркор. "Давр боласи" хусусий нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари. Хусниддин – архитектура институтининг 4-босқич талабаси. Келинларнинг ҳам муносиб касб-кори бор. Катта келин Дилфузаҳон косметолог сифатида Рўзигул опа ташкил этган гўзаллик саломида ишлайди. Ҳилолаҳон фармацевт, кенжа келиннинг ҳам исми Дилфузаҳон, у турмуш ўртоғи Баҳриддин бошқараётган боғча тарбиячиси. Беш набира – бахт қўргонини қувонч ва файзга тўлдираётир.

Қахрамонимиз 1985 йилдан буён мактабгача таълим тизимида иш олиб борди. 1992 йилдан ҳозиргача Чуст туманидаги 1-, 12-, 27-, 32-мактабгача таълим ташкилотларини бошқарди. Мудира сифатидаги ибратли ишлари, ташаббускорлик фазилатлари доим эътироф этилади. Унинг юрагидаги шижоат шунчаки яшашга қўймайди. Ҳозир ҳам 29-МТТда ишлаб турган ҳолда тadbиркорлигини астойдил ривожлантиряпти.

Бир неча йил олдин "Гулрўз" масъулияти чекланган жамиятига асос солган Рўзигул Аноркулова туман мар-

Қахрамонимиз 1985 йилдан буён мактабгача таълим тизимида иш олиб борди. 1992 йилдан ҳозиргача Чуст туманидаги 1-, 12-, 27-, 32-мактабгача таълим ташкилотларини бошқарди. Мудира сифатидаги ибратли ишлари, ташаббускорлик фазилатлари доим эътироф этилади.

казида маиший хизмат кўрсатиш шохбчасини ишга туширди. Бу ерда гўзаллик саломи ва хотин-қизлар учун фитнес клуб фаолиятини йўлга қўйди. Опа бизнинг: "Туман шароитида аёллар учун фитнес клуб очилса сарфланган маблағ доим ҳам ўзини оқламаган, аммо у ерда ундай эмас, бунга қандай эришдингиз", деган саволимизга шундай жавоб берди:

– Аёл учун саломатлик – энг муҳими. Ўзига, саломатлигию эътиборли бўлган аёлини турмуш ўртоғи ҳам қадрлайди. Тўғри, дастлаб клуб иши сустр кечди. Бироқ тез орада хотин-қизларимизга тўғри овқатланиш, соғлом озиш, жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланишнинг фойдаси ҳақидаги тушунтиришларимиз ўз натижасини бера бошлади. Клуб аъзоларининг сони кескин ортиб кетди. Ҳадеганда қон босимининг ошишидан, семизликдан азият чекиб келган аёлларнинг машғулотлардан кейинги ижобий маънодаги сўзлари бизни олдимизга қўйган мақсадимизга етказди.

Рўзигул опа уч йил аввал яна бир йўналишдаги тadbиркорликка қўл урди. 5,5 гектар ерда интенсив боғ барпо қилди. Сарҳил ва сара навли олма ва гилос қўчатларининг олди ҳосилга ки-

риб қолди. Ниҳоллар орасида бир неча турда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирилиб, нодавлат мактабгача таълим муассасаларига етказиб берилмоқда. 30 миллион сўм кредит эвазига сотиб олинган 4 бош зотдор қорамоллар бугун 10 бошга етган. Улардан соғиб олинаётган сўт ҳам болалар боғчаларига етказиб берилляпти.

Шундай катта ишлар бошидаги тadbиркор аёлнинг режалари ҳам каттадир, дейсизми?

– МЧЖ қошида яқин вақт ичида 25-30 сотих ерда замонавий иссиқхона барпо этишни режа қилляпмиз, – дейди суҳбатдошимиз. – Бу ерда қиш фаслида ҳам етиштириладиган мевасабзавотлардан боғчалардаги болалар баҳраманд бўлишни истаймман. Қолаверса, Наманган – Чуст йўли бўйида 20 ўринли уй меҳмонхонасини қуриш истигим бор. Қорамоллар сони кўпаяётгани учун хитой технологияларини олиб келиб, сўт маҳсулотларини ўзимизда қайта ишлаб, "Домашняя малютка" номи остида қадоқлаб, махсус дўконда сотувини йўлга қўйишни ҳам режалаштиряпмиз. Ўз навбатида, аёллар учун совғалар дўконини очиш мақсадим ҳам йўқ эмас. Бу дўконнинг бошқаларидан фарқи шундаки, бу ерда хунарманд хотин-қизлар қўл меҳнати билан эсдалик ва совға учун буюмлар тайёрланади ва сотилади. Бухороча зардўзлик санъатини хотин-қизларимизга пухта ўргатиш ниятидаман. Бу режа-мақсадлар амалга ошиши учун албатта, банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилишига эҳтиёжimiz бор. Шу кунгача 12 та доимий иш ўрнини яратган бўлсак, келгусида ишчиларимиз сони 100 нафарга яқинлашиши мумкин.

Баъзан қаердадир ўқиб қоламиз, аёл мўъжизалар яратиши мумкин деб. Бизнингча, бу фикрда муволафа йўқ. Аслида ҳам педагог-психолог, ҳам тadbиркор, ҳам моҳир каштадўз, аёллар саломатлигидан тортиб, деҳқончилик, қорамол парвариси бўйича кучли билим ва тажрибага эга аёлдан фақат мўъжизалар қутиш мумкин. Чустнинг бухорилик келини Рўзигул Аноркулова амалга ошираётган ишларга гувоҳ бўлсангиз, сиз ҳам худди шундай хулосага келасиз.

Шахло ТОШБЕКОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

OVQATLANIB KITOB O'QISH

Oshqozonda ovqat hazm bo'lishini yaxshilaydi

Китобни фойдаланиш эканлиги ҳақида олимлар жуда кўп қўлдан олиб келишган. Куйида ана шундай тадқиқотларнинг айримлари билан танишамиз.

Ливерпул университети олимлари Шекспир, Элиот ва бошқа таниқли шоирларнинг шеърларини ўқийётганда мия фаолиятини ўлчашди. Шеър ўқиш ўқишни тўхтатгандан кейин ҳам мияни давом этадиган ҳаяжонланиш ҳолатига олиб келиши аниқланди. Миянинг автобиографик хотира билан боғлиқ худудлари айниқса фаоллашди.

Атлантадаги Эмори университети тадқиқотчилари ҳар куни Роберт Харрингтон тарихий триллерлари Помпейнинг 30 саҳифасини ўқийётган 12 талабада магнит-резонанс томография (МРТ) сканерлашларини амалга оширдилар. Тажриба шуни кўрсатдики, ўқиш марказий мия ярим шарининг чап темпорал томонида фаоллиқни оширди. Бундан

ташқари, китобни ўқиганидан кейин ҳам бир мунча вақт ўтгач, ҳаяжонлар бу соҳаларда давом этди. Олимлар шунингдек, ўқувчилар "танани семантизация қилиш" тажрибасини бошдан кечираётганини аниқладилар. Масалан, сузиш ҳақида ўйлаш сузишнинг жисмоний жараёни билан бир хил бўлган халқаро даражадаги алоқаларни шаклланишига олиб келади.

Оксфорд университети мутахассислари ҳам МРТдан фойдаландилар ва мутолаа пайтида миянинг шу каби қисмлари жонли равишда тасвирланган саҳналарни томоша қилишда фаоллашганини аниқладилар.

2008 йилда Дьюк университети тадқиқотчилари ўқиш семиришни даволаш мумкинлигини аниқладилар. Улар 9 ёшдан 13 ёшгача бўлган 30 нафар қизни текширишди. Улардан бирига ортиқча вазни ва ўзини паст баҳолайдиган қиз ҳақида "Қутқарувчи қўл" романи-

ни ўқиш таклиф қилинди. Иккинчи гуруҳ дуч келган китобни ўқидилар, учинчиси эса умуман ўқимадилар. Натижада, биринчи гуруҳдаги тана массаси индексининг пасайиши иккинчи ва учинчи гуруҳларнинг натижаларига қараганда деярли икки баравар юқори бўлди. Олимлар буни ўқиш қизларнинг мотивациясига таъсир қилиш билан боғладилар.

Кўпинча овқатланаётганда китоб ўқиб бўлмайди дейишади. Лекин Тулуза университети олимлари овқатланиш пайтида ўқиш нафақат зарарли, аксинча фойдаланиш эканлигини, телевизор томоша қилиб ўтирганлардан кўра китоб ўқиш ошқозонга овқат яхши ҳам бўлишини исботладилар. Ўқиш пайтида

одам овқатни секинроқ чайнайди, натижада овқат ошқозонга кўпроқ эзилган шаклда киради ва ошқозон шарбати билан тўйинган бўлади...

Китоб мутолааси ҳақида қанча ёзсак шунча кам. Олимлар қанча тадқиқот ўтказса шунча унинг фойдали томонлари чиқиб келаверади. Чунки у ҳаёт йўлимизни ёритиб турадиган машъала, муваффақиятли оила қуришимизда ва ютуқларга эришишимизда қўл келадиган бетакрор қўлланма.

Барно Ботир қизи.

NOMUSINI KO'MGAN QIZ

– Мана, уста, хизмат ҳақингиз, икки юз эллик минг. – Зиёдилла мироб таомилга кўра қанд-курс кўшиб ўралган тугунчани дастурхон устига қўяркан сўради: – Розимисиз уста?

Уста Холмат индамади. У хотир-жамлик билан тугунчани очди, кейин эллик минг сўм пулни эринмай санадио миробнинг ёнига қўйди. Мезбон бундан ҳайрон бўлиб ўтирмади. Негаки устанинг тантилигини яқин атрофда ҳамма билар, шунинг учун ҳам унга айрича ҳурмат билан қарашарди.

– Кўйинг уста, бундай қилманг, – мироб унинг қўлини қайтарди. – Ахир шундоғам кўп бераётганим йўқ, устани норози қилиш яхши эмас.

– Ҳеч хижолат чекманг, – деди уста мулоимлик билан. – Мен розиман ака. Бу замонда иморат қилишнинг ўзи бўлмайди, олинг, кам-кўстингизга ишлатасиз. Қани энди, менга рухсат.

Миробнинг кўнгли ийиб кетди, қўлини дуога очаркан, устани узоқ алқади: Илоҳо топган-тутганингизга барака берсин, фарзандларингизнинг роҳатини кўринг...

Уста Холмат кўчага чиқидио энгил нафас олди. Кун айна тиккага келган пайт. Кўёшнинг тафти ён-атрофни аёвсиз қиздирар, уста Холматнинг пешонасидан тинмай реза-реза тер оқарди. Аммо у бунга сира эътибор қилмас, тезроқ уйига етиб олиш илнжиди қадамини тезлатарди. Икки кундан бери қизи Малоҳатнинг иситмаси тушмайди. Қўшни дўхтирнинг муолажаси ҳам кор қилмапти. Марказга элтиб келмасе бўлмайди. Бу ўй устани тагин-да ҳовлиқтириб қўйди. Масофани қисқартириш учун у шахт билан пахтазор оралаб йўл солди. Дала адоғига етиб-етмай, қишлоқ оқсоқолига рўпара келди.

– Ие, оқсоқол, бу ерларда нима қилиб юрибсиз? – сўради ҳайрон бўлиб. – Ҳе, Холматбой ҳеч бир ерга бесабаб борганимни кўрганмисиз?! – деди оқсоқол таъшишли оҳангда ўзидан уч-тўрт қақирим нарироқда турган кишиларни боши билан ишора қилиб кўрсатаркан. Улар орасида маҳалла посбоннинг ҳам борлигини кўриб, уста хушёр тортиди.

– Тинчликми, Оқсоқол?
– Худодан кўркамган бир нобакор туғиб, чақалоқни йўргакламай, шу ерга ташлаб кетибди.

– Нахотки, шу ерга-я? – устанинг қалби бу қишлоқларда шундайин қабхликка қодир одамлар ҳам борлигидан ларзага келди. Жазирамада эти куйиб, қип-қизил гўштга айланган, бутун бошли чивинларга ўлжа бўлиб ётган ушоқдек жонсиз танани кўргач эса даҳшатдан ёқа ушлаб қолди. Бу бегуноҳ гўдакнинг то жон таслим қилгунга қадар қанчалар азоб чекканини тасаввур қилди. Юраги ачишиб кетди, томоғини нимадир куйдиргандек бўлди. Кўздан оққан ёшни сездирмай артиб қўйди.

Ранги-рўйи бир аҳволда кириб келган устани кўриб, хотини Ўғилой опанинг эси чиқаёзди.

– Нима бўлди дадаси, тузукмисиз? – дея қўлтигидан суяб сўрига ўтказди. – Тузукман хотин, тузукман. Бир пиёла аччиқ чойинг бўлса бер, ўзимга келиб олай.

Анчадан сўнг тинчланиб олган уста бўлган воқеани хотинига айтиб берди. Ўғилой опанинг ранги кути ўчиб, бир ерга ўтиролмади қолди. Ҳис-туғйуларини қаршига кўчирди: “Ҳаҳ ер ютсина, ер-

гина ютсин бундай аёлни. Илоё бутун умри фарзандга зор бўлиб ўтсин, фарзанд доғида куйиб кул бўлсин. Яшшамагур, қандай кўзи қийди экан, шундай ожизгина гўдакни ташлаб кетишга. Гуноҳини яширмоқчи бўлган-да, жувонмарг!”

– Ҳа, одамларнинг гап-сўзидан кўрқибди-ю, Яратганнинг қаҳридан кўрқмабди-да, калта ўйлабди. Ўз охирагига ўзи ўт қўйибди, – деди уста хотинининг қарғишларига парво қилмай.

– Буни бирорта энгилеқ қиз қилгани аниқ, – ўзича башорат қилди хотини. – Ким бўлди экан-а? Ҳар ҳолда қишлоғимизда бунақалар йўқ.

– Ҳа, бу бошқа қишлоқдан бўлиши керак, – хотинининг галини тасдиқлади уста. Кейин иккаласи ҳам узоқ ўйга толишди.

– Худого шукрки, қизларимиз ҳаёли, иболи, – дея гап бошлади Ўғилой опа яна. Хаёллари ўша номъалум номуссиз қизнинг қилмишларини обдон чиғирқидан ўтказиб, уни ўз қизлари билан солиштира болаган эди. – Каттамиз беш йил университетда ўқиб, иззат-икром билан турмушга чиқди. Ҳар доим қудаларимдан раҳмат эшитаман. Кенжамиз ҳам бу йил мактабни тугатади, у ҳам опасидек эсли-хушлигина...

Машмашлар билан бўлиб, қизининг касалини унутаёзган уста бирдан хушёр тортиди, ичаётган чойини ҳовлиқиб ерга қўйди.

– Нахотки, шу ерга-я? – устанинг қалби бу қишлоқларда шундайин қабхликка қодир одамлар ҳам борлигидан ларзага келди. Жазирамада эти куйиб, қип-қизил гўштга айланган, бутун бошли чивинларга ўлжа бўлиб ётган ушоқдек жонсиз танани кўргач эса даҳшатдан ёқа ушлаб қолди. Бу бегуноҳ гўдакнинг то жон таслим қилгунга қадар қанчалар азоб чекканини тасаввур қилди.

– Эрталаб куёвингиз келувди, Малоҳатни дўхтирга элтишингизни эшитиб, “ўзим олиб бораман, сизлар овора бўлманлар” деди барака топкур. Боягина кўнгирақ қилган эди, дўхтирлар “ичаги бироз шамоллаган, ҳеч қандай хавфли жойи йўқ, икки-уч кун шу ерда даволансин” дебди. Керакли дориларнинг барчасини куёвингизнинг ўзи олиб берибди. Илоҳо умри зиёда бўлсин. Қизингиз билан ҳам гаплашдим. “Аҳволим яхши, сизлар келиб-нетиб ўтирманлар” деди.

– Бизни овора қилмаслик учун шундай деган-да. Барибир эртага бир бориб кел,

йўқса кўнгли ўқсийди.
– Майлику-я, аммо эртага опаникка бешик тўйи борлиги эсингизда йўқми?

– Ҳа-я. Унда овқат қилиб, куёвингдан бериб юбор. Иши ўша ёқда-ку, кириб ўтар.

Тонготорда шахд билан иш бошлаган уста Холматнинг яп-яңги асбобига бирдан дарз кетди. “Ё тавба, яқиндагина олган эдим-а, пўлати ҳам мустаҳкам эди”, дея ич-ичидан ҳайрон бўлди. Энди яна марказга тушмасе бўлмайди.

– Қизингизнинг аҳволи яхшими, ҳозир уни касалхонага обориб келаман, – дея ўрнидан туришга шайланди. Хотини ўтирган еридан хотиржам жавоб қайтарди.

– Олиб боришингизга ҳожат қолмади, сиз ўтириб бемалол чойингизни ича-веринг.

Уста ҳайрон бўлди.

– Эрталаб куёвингиз келувди, Малоҳатни дўхтирга элтишингизни эшитиб, “ўзим олиб бораман, сизлар овора бўлманлар” деди барака топкур. Боягина кўнгирақ қилган эди, дўхтирлар “ичаги бироз шамоллаган, ҳеч қандай хавфли жойи йўқ, икки-уч кун шу ерда даволансин” дебди. Керакли дориларнинг барчасини куёвингизнинг ўзи олиб берибди. Илоҳо умри зиёда бўлсин. Қизингиз билан ҳам гаплашдим. “Аҳволим яхши, сизлар келиб-нетиб ўтирманлар” деди.

– Бизни овора қилмаслик учун шундай деган-да. Барибир эртага бир бориб кел,

йўқса кўнгли ўқсийди.
– Майлику-я, аммо эртага опаникка бешик тўйи борлиги эсингизда йўқми?

– Ҳа-я. Унда овқат қилиб, куёвингдан бериб юбор. Иши ўша ёқда-ку, кириб ўтар.

Тонготорда шахд билан иш бошлаган уста Холматнинг яп-яңги асбобига бирдан дарз кетди. “Ё тавба, яқиндагина олган эдим-а, пўлати ҳам мустаҳкам эди”, дея ич-ичидан ҳайрон бўлди. Энди яна марказга тушмасе бўлмайди.

Азалдан ишни пайсалга солишни ёқтирмайдиган уста дарров йўлга отланди. Кира солиб аввал қизининг ёнига ўтишни мўлжаллади. Аммо унинг қайси бўлимдалигини билмагани учун ҳам роса сарсон бўлди. Тасодифни қарангки, рўйхатга олиш бўлимида ҳам унинг исм-фамилияси йўқ экан.

– Малоҳат Сафарова? Бизнинг бўлимда шундай исм-фамилияли бемор бор, – деди ниҳоят бир ҳамшира. – Аммо у чиқа олмайди.

Уста холмат хавотирга тушди: – Нега энди?

– Тугруқ маҳали кўп қон йўқотган, билмасмидингиз?

Бу жавобдан сўнг уста анча энгил тортиди, ҳайрият бу қизи эмас экан.

– Синглим, сиз янглишяпсиз, – деди кулимсираб. Мен сўраётган Малоҳат ҳали турмушга чиқмаган, ичаклари бироз шамоллаган экан, шунга...

– Унда қизингизни бошқа бўлимдан изланг, бу ер тугруқхона.

Қизини тополмаганидан ҳафсаласи пир бўлган уста Холмат бўшашибгина панароқдаги ўриндиққа чўкканди ҳамки, таниш овозининг “Малоҳат Сафарованинг олдига кирсам бўладими?” деган илтимосини эшитиб қолди. Емон бир нарсани сезгандек юраги бир қалқиб тушди. Аммо тилида “бу дунёда бири иккинчисига ўхшайдиган одамлар камми” дея айланган сассизгина сўз билан ўзига тасалли берган бўлди. Ўрнидан туриб, овоз келган томонга қаради. Қарадио бутун вужуди титраб кетди. “Йўқ, бўлиши мумкин эмас!” рад этди уни яна қалби. Шунда у терс ўгирилиб турган барваста йигитнинг елкасига секин титроқ қўлларини қўйди. Шаҳд билан унга юзланган башара устани шу қадар ларзага солдики, у инграб юборди. Қаршисиди у ўғлим дея алқанган семмили кўви эрталаб қайнонаси овқат солиб берган сумкани кўтариб турарди. Унинг хиёнаткор кўзлари доим нимадандир ҳадиксираб юргани ва бугун ана шу нарса содир бўлгани ҳақидаги ҳақиқатни аёвсиз фош этиб турарди. Уста Холмат кейинги пайтларда қизининг серкатнов бўлиб қолгани, қизини ҳам касалхонага ўзи олиб келгани ва “ҳеч кимни овора қилмай, ғамхўрлик қилаётгани” сабабини тушунгандай бўлди. Кейин кўз ўнгида чивинларга тирик ўлжа бўлиб, жон таслим қилаётган гўдакнинг аянчли қиёфаси гавдаланди.

– Иблис! – деди овози қалтираб кўзлари ғазабдан ёнаётган уста. Бошқа ҳеч нарса дея олмади. Демокчи бўлганлари бўғзида тош қотди. Кўз олди қоронгулашиб, юрагига санчик кирди. Кўксини чангаллаганича гандирақлаб кўчага чиқди.

Уста Холмат уч кун туз тотмади. Ним қоронгу хонанинг бурчагида кўксини ерга берганча ётди. Хотинининг ялини-ёльворишлари, оху нолалари-да уни гапиртира олмади. Ниҳоят тўртинчи кун деганда хотинини қақирди, сўнгги сўзини айтди:

– Куёвингни ҳеч қачон бу уйнинг остонасидан йўлатмайман. Агар шундай қилгудек бўлсанг, сендан рози эмасман. Малоҳатни ҳам оқ қилдим.

Ўғилой опанинг фарёди кўкка ўрлади: – Нега? Нима учун?..

Аммо унинг саволлари жавоб-сизлигича қолиб кетди. Бутун умр ҳалол яшаган ва одамлар орасида мисқоллаб обрў орттирган уста Холмат қизининг номуссизлиги ва куёвининг қабхлигидек зил-замбил шармандали юкни кўтариб юришдан кўра, бу дунёни тарк этишни афзал билганди.

Ирода ОРИПОВА,
Бухоро вилояти.

oilavajamiyat@mail.ru

“BOG‘I” BOR, “BOG‘BONI” YO‘QLAR

Азалий қадриятларимизга кўра, авлодлар шажараси оиланинг соябони, пуштипаноҳи ҳисобланмиш оталар “занжири” билан белгиланган. Туркийларнинг энг улуғ ва энг муқаддас қадриятлари шудирки, етти пуштини билмаган инсонлар комил бўла олмаганлар. Хўш, буюқ қадриятларимиз тикланаётган вақтда бу муқаддас анъанамизнинг аҳволи нечук? Бугунги авлодларимиз шажаранинг нима эканлигини биладиларми?



уч кунда бир борадиган қоровул бўлиб ишга кириб, болаларинга нафақасини тўлайверасан. (ваҳоланки, эр олди-сотди билан шугулланиб, яхшигина даромад қиларди) Эр кишига “хотин йўлда, фарзанд белда” деди келин билан аввалдан чиқишолмаган қайнона. Келин бировларнинг маслаҳати билан судга “фарзандларимга бошпана йўқ, мен ажримга рози эмасман”, мазмунидаги бир парчагина қоғозни ташлаб қўйиб, “Бизни ажратиб юборишармиди. Ахир ўн беш йиллик бирга кенган умримиз, уч ўғил, бир қизимизнинг юзи-хурмати бор-ку! Бир кун келиб бизни олиб кетишади”, деган хом хаёл билан юрaverди. Акасининг болалари билан ўртада жанжал чиққанда ҳам, келинойиси ўғлини “етимча” деб таҳқирлаганда ҳам сабр қилди. Онаси “тўрт боланг билан мендан кейин қийналасан, олиб бориб кўяй” деса, “эр-хотин аҳил эдикку, ўзимиз борсак, қайнонам янаям ерга уриб юборади, бизни болаларимнинг отаси албатта олиб кетади, мана кўрасиз”, деган ишонч билан кўча қаради. Ҳатто алимент ҳам талаб қилмади.

Бир йилки, болалар ота дийдорига зор, она эса меҳрдан умидвор кун ўтказдилар. Шу тўрт норасидаси ризикни топаман, дея онаизор ҳам дўппи тикди, ҳам одамларнинг уй юмушларини қилди. Суддан қақирув қоғози келганда... орзулари армон бўлиб қолганидан шифохонга тушиб қолди. Тузалиб, судга йўлиқса, у ердигилар “икки бор қақирув юборсак, келмадингиз”, дея қўлига ажрим қоғозини тутибдилар. “Пули бор одамнинг иши ўнг бўлаверадими? Нега суд менинг розилигимни олмай ажратиб юборди? Ўғилларимнинг каттаси ўн учга, кейингиси ўнга, учинчиси еттига, қизчам тўртга қиряпти. Алиментга берсам, ойига тўлайдиган пули бор-йўғи 150 минг сўмга тўғри келаркан. Қоровулликдан 300 минг атрофида ойлик оларканда. Олди-сотди билан топаётган пули тадбиркор бўлиб рўйхатдан ўтмагани учун ҳисобга олинмасмиш. Лекин бу пул тўрт жоннинг ейиши, кийиши, бир сўз билан айтганда, яшашинг урвоқ ҳам бўлмайди-ку!” Аёлга қаердан нажот бор? Ахир ажрим, гарчи бир томоннинг розилигисиз бўлса ҳам, эр-хотин ўртасида бўлди. Эрак киши болалари кундалик меҳрдан мосуво бўлсалар ҳам ҳаммиса ота бўлиб қолавериши керак эмасмиди?!

Мана шу ўринда қонунларга битилмаган виждон, диёнат, ор-номус сингари мудраб ётган тўғулари салгина бўлса-да кўзгатмоқ учун туртки бермоқ зарурдир. Уни қайси мард беради?

Албатта, жамоатчилик, маҳалла-да. Ахир ажрим, отанинг ихтиёрида ҳеч қандай мол-мулкнинг йўқлиги ундаги оталик масъулияти бутунлай зиммасидан соқит қилинди, дегани эмас-ку! Ахир тўрт фарзанднинг кундалиги бор, улар улғайяпти, бир кунини кўриш учун инсонга, аввало, бошпана керак эмасми?

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аксарий ҳолларда оилавий ажрим орқасидан аёллар жабрланиб, фарзанднинг ҳам моддий таъминоти, ҳам маънавий тарбияси унинг нозик гарданига тушаётгани ҳаммага беш бармоқдай аён. Шундай оилалар ўн мингдан бир бўлгандаям кўп. Ваҳоланки, вилоятимизда ҳам ажримлар, унинг ортидан тирик етимлик гирдобига отилаётган болалар сони ортса-ортяптики, камаймаяпти. Қачонгача арзир-арзимас мижозлар, катталарнинг “сени бир доғда кўяй” қабилидаги бе-маъни хатти-ҳаракати ортидан гўдақлар, фарзандлар бир умр ўқисиклик гирдобига отилади? Айтмоқчимизки, “Оила” кодексининг 30-моддасига ўзгартиш киритиш вақти келди! Нима учун шу моддага “ниҳок шартномаси тузилиши шарт” маъносидagi тузатишни киритиш мумкин эмас. Назаримизда, ихтиёрий маънодаги “мумкин” сўзининг “шарт” сўзига алмаштирилиши оилавий ажримларнинг пайини қирқибгина қолмай, ниҳокнинг муқаддаслиги қадрини оширган бўлур эди.

Аллоҳнинг қудратини қаранг. Ҳатто қуш ҳам полапонини учирма қилмагунча инини тарк этмас экан. Энг йиртқич хайвон ҳам ўз боласини тишлаб юриб оёққа тургазади. Ахир биз инсонмиз-ку! Не розолатки, ўз кўнгил қонидан бино бўлган фарзанди кўчада мунгайиб кетаётганда унинг онасига ачиқ қилган ота машинада гердайиб ўтиб кетса-а? Фарзандини етаклаб, умид билан келин бўлган хонадонини ташлаб кетаётган аёл, тўхтанг! Энди сиз ўзингиз учун эмас, фарзандингиз учун сабрга ўргангиз. Фарзандини у бино бўлган қўлтуғ дароҳдан бенасиб этаётган ота, ўзингизни қўлга олинг, ахир у сизнинг зурриёдингиз. Яна бу улуғ неъматнинг уволу тутиб қолмасан. Маҳалла-кўй аҳли, нега томошабинсиз, агар аралашган бўлсангиз, яна аралашинг, аро йўлда қўл силтаб кетманг. Эр-хотин эмас, фарзанд хурмати, оила хурмати уни сақлаб қолишга саба бўлсангиз савобга қоласиз!

Отасидан тирик айрилган фарзандлар нигоҳига боққанмисиз, азизим! Бу кўзларда сўнгсиз мунг ва армонни сезгандирсиз. Улар бамисоли “боғбони” меҳридан маҳрум “боғ”нинг сўлиққан ниҳолларига ўхшайдилар. Илоё ҳеч қайси боғ ўз, яна қайтариб айтаман ўзи ниҳол экан боғбонидан айрилмасин.

Ҳадичахон **КАРИМОВА**,
Фаргона вилояти.

оляпти-ю бир менга қолганда...

Хуллас йигит қизлардан бохабар бўлиб туришини ваъда қилиб, вазиятдан чиқишга уринди. У шу тоғда вазиятдан чиқяпти-ю бағрида бир неча ойлик, балки йиллик соғинчи ором топиб, мириқиб ухлаб қолган гўдагининг, зурриёдининг тақдири бошқаларни безовта қилаётганини ҳис этмади, эта олмади ҳам. Унинг бутун ўй-фикри янги келин, унинг ота-онаси олдидаги хижолатчилик. Наҳотки, шунча оворагарчиликлар ҳавога учса, ими-жимиди ўтаётган кичиккина тўй тўхтаб қўйилса, деган хаёл билан банд эди.

Севиб уйланган аёлининг кечирим сўрашлари (агар хато қилган бўлса), қизалоғининг изтироблари, йигит ишлайдиган ташкилот раҳбарлари, жамоатчилик вакиллариининг панду насиҳатлари унга кор қилмади. Ўша кун “енг ичда” ноқонуний уйланди. Уйим-жойим, оилам деб югуринг юрган келиндан куёвнинг ота-онасию оғалари ўч олгандай бўлишди. Бу билан ўз зурриёдларига бир умрга етгулик маънавий зарба берганларини англаб етишмади. Энди масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ўз фарзандларига етказган моддий зарба-чи? Ахир бу қизалоқлар ҳам бировларга қисинди бўлмай яшашга ҳақли эмасмиди?!

Қонун ҳаммиса далилларга таянади. Аммо инсон қонуннинг қули эмас, балки қонун инсоннинг хизматида бўлиши керак, назаримизда. Юқоридаги келиндек икки, уч, ҳатто ундан ортиқ бола билан турмушдан ажраб, бошпанасиз қолаётганлар, оға-иниси уйда қисинди бўлиб яшаётганлар камми? Кўп ҳолларда ажрим пайтида мол-мулк мижозарси кўрилаётганда “болаларнинг отаси номида ҳеч қандай уй-жой йўқ экан”, деган фикр билан келинлар тирик етим болалари билан ўша фарзандлар дунёга келган уйдан мосуво қилинаётгани адолатданми?!

Мана бу ҳолатга нима дейсиз? Тўрт фарзанди бўла туриб, онанинг қистови билан эр ажрим учун фуқаролик судига мурожаат қилди. “Тўғри қилдинг, қатор-қатор туғиб, ҳаммасини босиб олдим, деб ўзидан кетиб қолувди-да, мана энди додини кимга айтаркин? Бирор жойга

**Отасидан
тирик айрилган
фарзандлар нигоҳига
боққанмисиз, азизим!
Бу кўзларда сўнгсиз мунг ва армонни
сезгандирсиз. Улар бамисоли
“боғбони” меҳридан маҳрум
“боғ”нинг сўлиққан
ниҳолларига ўхшайдилар.**

Оиладек муқаддас дароҳга бепи-сандларча муносабат боис чирт-чирт узилиб бораётган шажара занжирларининг касри бир кун келиб тутиб қолмасмикин? Икки-уч авлоди у ёқда турсин, ўз пуштипаноҳини танимайдиган фарзандларнинг ўқсик диллари, пинҳона чекаётган оҳлари соғлом авлод учун курашаётган жамиятимизнинг умидли йўлларидаги дарди бўлиб қолмаяптими?!

ОТА. Раҳматли шоира Турсуной Содиқованинг таъбири билан айтганда, отали хонадоннинг томини қор босмайди. Отали хонадон шифидан ёмғир ўтмайди. Отали хонадоннинг қўрғони мустаҳкам бўлади, ҳар қандай довулу тўфонлар унга писанд эмас. Отасиз хонадонлар-чи?

Тахририятга бир аёл мурожаат қилди. Турмуш ўртоғи анчайин тушунган, бошидан иссиқ-совуқ ўтган йигит, яхши танийман. Улар ҳали мактаб чоғларидан бир-бирларига кўнгил қўйиб, турмуш қуришди. Бирин-кетин икки фарзандли бўлишди. Рўзгорчилик, байзан катталарнинг аралашуви билан майда-чуйда гаплар тез-тез ўтадиган бўлиб қолди. Ачиқ-тиссиқ гаплар жонидан ўтган келин қизалоқларини олиб ота-онаси хонадонига кетиб қолди. Куёв томон одам қўйса, “мустақил яшасак, розиман”, деди. Бу талаб куёвнинг ота-оналарига маъқул келмади. Шу аснода икки ўт орасида қолган куёв ажрим қилиб беришини сўраб судга мурожаат қилди. Қонун бўйича бу ерда оиланинг ўзаро келишиб олиши учун олти ой муҳлат берилди. Бу муҳлат ичда уйдабурон ота-она йигитга келин топиб, уйлаб кўя қолишди. Ваҳоланки, хонадон сардори қишлоқнинг зиёли кишиси эди. Қонун ҳам, ўртадаги икки фарзанд хурмати ҳам писанд қилинмади.

Ўша хонадонга иккинчи келин келадиган кунда куёв бола билан учрашди. Оиласини тиклаш илнжиди юрган келин катта қизчасини етаклаб келибди. Бола хонага кирди-ю онанинг қўлидан чиқиб, ота бағрига ўзини отди. Қизалоқ ота бағрига сингиб кетгудек ёпишиб олиб, ич-ичидан йилларди: гўё тўрт яшар қизчанинг юраги энди отаси ўзларига бегона бўлиб қолаётганини сезгандай тўлганарди. Шу ерда ҳозир бўлган ҳаммамнинг кўзига ёш қалқди.

– Мен нима қилай, сабр тиласам кўнмади, энди ота-онанинг раъйига қарши боролмайман, – деди йигит гўдагини бағрига босиб. – Мен шундай бўлсин, демагандим-ку! Қонуний ниҳоксиз қанча-қанча одамлар уйланиб

FARZANDLARIMIZNING BETI QOTMASIN!



Тилимизда “дийдаси қаттиқ”, “дийдаси қотиб кетган”, “бети қаттиқ”, “бетини қаттиқ қилиб”, “бетимни қаттиғи – жонимни ҳузурни” каби иборалар учраб туради. Бу иборалар баъзи ор-номуси йўқ, гап-сўз, танбеҳ таъсир қилмайдиган сурбет инсонларга нисбатан айтади ва ўзбек оилаларидаги шарқона тарбиянинг асоси саналадиган ибод, ҳаё, андиша каби сўзларга қарама-қарши маъно касб этади. Ўзбекона қадриятларимиз ҳақида бошқа миллат вакилларида кўп самимий эътирофлар эшитганман. Бироқ халқимиз орасида “бети қаттиқ”, “дийдаси қотган” одамларнинг учраб туриши, уларнинг жамиятга келтираётган моддий ва маънавий зарарларига кўз юмиб юришнинг ҳеч иложи йўқ.

Кўп йиллар Хотин-қизлар кенгашида фаолият юритиб, қанчадан қанча аянчли тақдирларга гувоҳ бўлганман. Қабулимга бир муштипар қайнона “бети қаттиқ” келинидан шикоят қилиб, юм-юм йўғлаб келгани эсимда. Келин билан гаплашиб, йўлга солиш мақсадида суҳбатга қақирганман. Эшиқдан юзи тунд, нигоҳлари қаттиқ, ранги совуқ бир аёл кириб келган. Унинг турқига қараб юрагим уувшиб кетган. Бу келинга бир сўз айтиб, инсофга қақириб бефойда эканлигини юрагимдан ҳис қилганман. Шунда “Ё Аллоҳ, бу келининг қалбини сен очмасанг, бандаси очишга ожиз”, – дея Худога ёлворганим рост.

Кейин суриштириб билсам, бу қиз нотинч оилада вояга етган бўлиб, болалигидан онасини и-чувчи отасидан ҳимоя қила-қила, оилавий “жангу жадалларда” кураша-кураша дийдаси ҳам, бети ҳам қотиб кетган экан. Демак унинг бу аянчли аҳволига нобакор ота айбдор. Нотинч оилавий шароит уни ҳаётдан совутиб, одамларга бўлган ишончини тортиб олганлиги аниқ. Оқибатда қизнинг муомаласи кўрс, ҳаракатлари кўпол, кўзлари маънисиз қотиб қолган. Келажакда бу қиз битта оиланин кушандасига айланди. Энди у тарбиялаган фарзандлар жамиятга қандай зарар келтиришини тасаввур қилаверинг.

Яқинда олий даргоҳда ёшларга маънавиятдан дарс берадиган бир ўқитувчи минг истиҳола билан менга ҳасрат дафтари оиди. Мен бу аёлни гўзал ахлоқи, ибратли турмуши, китобхонлиги учун ҳурмат қиламан. У қизи тушган жойида тинчимаётгани, ахлоқсиз қайнсингиллари унга кун бермаётгани ҳақида йўғлаб-йўғлаб гапирди. Аёлнинг дард тўла ҳақиқосини тинглар эканман, унинг изтироблари менга кўчди. Негаки, бу оилани узоқ йиллардан бери биламан. Аёлнинг гўлдай фарзандларига берган чиройли тарбиясига ҳамма ҳавас қилади. Унинг одоб-ахлоқда, ҳусн-тароватда тенгсиз қизи ўз саъй-ҳаракатлари билан олий ўқув юртига ўқишга кирди. Самимий, софдил, бунинг устига олий маълумотли қизни келиликка сўровчилар ҳам кўп бўлди. Қариндош-уруғлар, таниш-билишлар

ичида уни орзулаганлар оламча эди. Ота-она танловни қизнинг ўзига қўйиб беришди. У ўзи ёқтирган тенгдош йигитга турмушга чиқди.

Бироқ онаизорнинг айтишича, қизнинг тарбиясидаги шарқона таълим-тарбия, ўзбекона чиройли фазилатлар келин бўлиб тушган хонадонига ёт экан. Тарбия кўчасидан ўтмаган шаддод қайнсингиллар андишани отини кўрқоқ қўйишиб, одобли, мулоим янгани турткилай бошлашибди. Покиза самимият билан қилган муомаласи эвазига қайнонасида фақат жерки ва силтовлар эшитибди. Оилани муқаддас,

деб билгучи она тарбиясини олган бу қизнинг вазиятини юмшатиш, муносабатларни яхшилаш учун хохисорлик билан курашганига чин дилдан ишонманам. Бироқ бундай вазият-бу аянчли аҳволига нобакор ота айбдор. Нотинч оилавий шароит уни ҳаётдан совутиб, одамларга бўлган ишончини тортиб олганлиги аниқ.

да ёш навниҳол келинчақ юмшоқлик, майинлик, билан бирон бир на-тижага эришиши, узоқ йиллар сингдирилган ёмон тарбияни мулоимлик, ширинсўзлик билан енгиси амримахол. Аччиқи аччиқ кесади, деган гап бежизга айтилмаган. Бундай кўпол муносабатлар содда ва самимий келинчақни руҳан эза бошлабди.

Бу орада ҳар қандай ишга тадбир топа оладиган, одамжон синглим онада, қизининг аҳволига куйинавериби, асаблари қақшаб, соғлиги ёмонлашиб касалхонага тушиб қолди. Онасининг синглиси туфайли чекаётган изтиробларини кўрган ўғли чидаб туролмабди. Бир куни ака уйига келган синглисига қаттиқ дашном бериб: “Сен ҳам озгина дадил бўл! Қачонгача кўз ёшингни оқизиб юрасан?! Ҳақингни талаб қилишни ўрганмайсанми? Бақиршиша, сен ҳам бақир, сўкишса сўк! Эзилиб ўтиришдан фойда йўқ! Бўлди, буёғига ўзингни ўзинг ҳимоя қил! Бошқа аямга дардингни айтма. Она менга керак!”, дебди. Акасининг қаттиқ дашномини эшитган бечора қиз аввал ўпкаси тўлиб йўғлабди, узоқ йўғлабди. Кейин эса кўз ёшларини артиб, шаҳд билан ўрдидан турибди. Эшиқдан чиқар экан: “Аяжон, энди кучли бўламан! Мендан хавотир олманг!”, дея орқасига бир қараб дадил

чиқиб кетибди.

Умрини таълим-тарбияга бағишлаб, миллат тарбиячисига айлини улгурган бу назокатли аёл қизининг аҳволидан эмас, берган йигирма икки йиллик тарбиясига путур етаётганидан, беозор, бегубор, капалақдай майин табиатли дилбанди, “бети қаттиқ қизга” айлиниб қолишдан кўрқиб, изтироб чекарди. “Опажон, биз ўзимиз истаб-истамай, унга ноилолликдан “ичингга ютма, касал бўласан”, “гапирса, парвойингга келтирма”, “йўғлаб ўтирма, ичингдагини айтиб-айтиб ташла”, каби ундовлар билан “бети қаттиқлик”дан дарс бериб қўйдик-ку”, дерди куйиниб. Ҳа, ҳаёт, турмуш, атрофидаги одамлар уларни шунга мажбур қилаётганиди...

Қизининг оиласи бузилиш остинасида турган юраги садпора бу аёлнинг кўз ёшларига қараб туриб, олис болалигим, оппоқдадам билан аям ўртасидаги чиройли қайнона-келинлик муносабатлари ёдимга тушди. Раҳматли Холдорали оппоқдадам жуда босиқ, мулоҳазали инсон эди. Аямга “Ҳамроҳон, Ҳамроҳон”, деб ўз қизидан ортиқ муомала қиларди. Онам ҳам қайнонасини ўз отасида кўрарди. Қайнона келин ўртасида ота-болалик меҳри бор эди. Оппоқдадам нафақат келинга, унинг олдида ўз ўғлига ҳам қаттиқ гапирмас, дашном беравермас, муносабатларда жуда-жуда эҳтиёткор эди. Бир куни ҳовлида оппоқдадамнинг ҳориб-чарчаб маккаполярни боғлаб оғилхонага ташиётганини кўрган аям:

– Дада, ўлгингизга айтсангиз, ёрдам беради-ку”, – дебди. Шунда оппоқдадам секингина:

– Йўқ, Ҳамроҳон, ўзим уддалайман. Ҳозир айтсам-у айтганимни қилмасан, назаримдан қолади”, – деб индамай ишини давом эттираверган экан.

Ҳа, қадимгилар мана шундай оқил, фозил бўлишган. Нафақат келинга, ҳатто ўз фарзандлари, набираларига ҳам мана шундай нозик муносабатда бўлишган. Оила аъзолари олдида ўзини беҳуда сўзлардан тийиш билан қадр-қимматларини сақлаб қолишган. Ҳозир-чи? Муносабатларда жуда ҳам майдалашиб кетдик. Боболар фарзандлар, келину набиралар олдида ароқ ичиб ўтиришдан, бемаза ҳазиллар қилишдан тортинмай қўйишди. Келинлар олдида озгина келганини қайтармай гапирши, бировларни ғийбат қилиш одатли ҳолга айлиниб қолди. Шарқона ахлоқимизга муносоиб бу хатти-ҳаракатлардан қиз-келиндарнинг, норасида набираларнинг “бетлари қотиб кетмаса” бўлгани. Ҳар ҳолда ҳушёр бўлганимиз яхши.

Салима ХОЛДОРОВА,
Новий кон-металлургия
комбинати музейи раҳбари.

ТА’ЛИМДА UZULISH BO’LMASLIGI LOZIM

Инсон умрининг меваси фарзанд. Ҳаётда энг ширин, азиз нарса ҳам фарзанд дейишди. Бола тарбияси қийин, ғоят нозик, ота-онадан билимдонлик, кунт, сабр-чидамлик талаб қилади. Бола онги ҳали ёзилмаган қоғоздай тоза бўлади ва унинг онгига биринчи тушунча ва истакларни ота-она ёзади. Унинг матабдаги ўқиши, дўстлари орасида ўзини тутта билиши, муомаласи, ўқитувчининг топшириқларини ўз вақтида бажариши буларнинг ҳаммаси боланинг тарбиясига боғлиқдир.

Усиб келаётган ёш авлодини комил инсон қилиб тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Чунки барчамиз жамият аъзоларининг яхши худлики, ҳалол ва пок бўлишини орзу қиламиз, аммо

ўша жамиятнинг келажаги бўлмиш болалар тарбияси ҳақида қайғурмасак, ниятларимиз сароблигича қолаверади. Айнақча бугунги кунда, дунёни ларзага солаётган короновирус инфекцияси кенг тарқалган вазиятда ҳам ўқувчиларга таълим-тарбия бериш ҳарёинини тўхтатмаслик улкан жасоратдир.

Карантин даврида ўқувчиларимиз онлайн дарсларда анча фаоллашди. Бунинг менимча икки муҳим сабаби бор: биринчиси, онлайн дарсларга эркин ва масъулият билан қатнашиш, иккинчиси, оила аъзоларининг назорати. Қолаверса, карантин шароитида уйда ҳар бир ўқитувчи ўз устида кўпроқ ишлашига ҳам яхшигина имконият

бўлди. Шахсан ўзимнинг тажрибамдан айтсам, ўқувчилар билан дарс дастури доирасида савол-жавоб ва мулоқотдан ташқари қатор ижодий ишларни бажаришга ҳам эришдик. Жумладан, Президентимизнинг беш ташаббуслари ихросини таъминлаш учун ўқувчилар ўртасида онлайн тарзда турли танлов ва мусобақалар ташкиллаштирдик. Натижада соғлом рабобат вужудга келди, ўқувчиларнинг янги қирралари очилди.

Дарслар тугагандан кейин ҳам ўқувчиларим билан онлайн мулоқотда бўлиб, уларни қизиқтирган саволларига жавоб бериш билан бирга таътил давридаги машғулотларини ҳам синфдошлар ва ота-оналар биргаликда кузатиб бордик. Ўқувчилар таътил давридаги

танловларда фаол қатнашиб, фахрли уринларни ҳам эгаллашди.

Бугунги вазият устоз-мураббийлар ва ота-оналар зиммасига улкан масъулият юклайди. Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг дарсларини ва қўшимча машғулотларини бажаришини назорат қилиши ва бу борада уларнинг устозлари билан боғлиб ҳамфикр бўлмоғи лозим. Болалар ҳам уйда ўтаётган ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб қолишга ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, бундай синовлар, қийинчиликлар ўткинчидир. Мана шундай вазиятда ҳам таълим-тарбия жиливини қўйиб юбормай ўқувчиларни илм-маърифатга бўлган қизиқишларини янада юксалтира олиш ҳам қаҳрамонликдир.

Нодира ЗИЯЕВА,
Сергели туманидаги 6-мактаб-нинг бошланғич синф ўқитувчиси.

oilavajamiyat@mail.ru

ISHSIZLIK MUAMMOSI HAI ETILSA,

*Odam savdosi
qurbonlari kamayadi*



Манзура ая тўнгичи Дилшоджоннинг кўшни давлатга бориб ишламоқчи эканидан хабар топдию кўнглига ғулғула тушди. Ахир шу ерда ҳам туппа-тузук ҳунари бор: ёғочкори неки иш бўлса, маҳалла аҳли ўғлининг остонасига келади. Ҳунари ортидан дангиллама бўлмаса ҳам шинамгина уй солди, қора қозони қайнаб турибди. Бир таниши бу ишинга бошқа жойда фалон пул топасан дегани ортидан ўғил оёққа турди; қаерга боришини, иш вақтини, янги жойнинг об-ҳавосини ҳам суриштирмай жўнаб қолди.

Кунлар ҳафтага, ҳафталар ойга уланди ҳамки, Дилшоджондан дарак йўқ. Манзура ая идорама-идора, эшикма-эшик югуриб, сўраб-суриштирганидан кейингина ўғлидан хабар топди — у одам савдоси билан шугулланувчилар билан чегарадан ўтгану гойиб бўлган. Ҳозирда жиноятчилар қидирувда, жабрланганларни топиш ва мамлакатга қайтариш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда экан. Тез орада Дилшоджон эсон-омон уйга қайтарилди, кўриниши бир аҳвол: озиб кетган, толиққан ва хориган. Қариндош-уруғ, маҳалла-кўй ёрдами билан оёққа турди, яна эт олди. Ҳозирда ҳунарига қўшимча тарзда томорқасида экин-тикин билан андармон. Бошидан ўтганларини сира эслагани келмайди... Шукри, кўрган-кечиргани кўрқинч тушдек ортада қолди.

Дарҳақиқат, юқоридаги воқеа асло тўқима эмас. Фақат исм-фамилиялар ўзгартирилган реал ҳаётини кечинма. Бироқ ён-атрофда тақдир бунданда оғир якун топган, бундан минг чандон оғир мусибатларни бошидан кечирган ва кечираётганлар қанча? Дунё ҳамжамияти олдида турган глобал муаммолардан бири одам савдоси бўйича статистик рақамлар ортиб бораётгани ҳар бир мамлакатда ечим изланиши лозим бўлган масаладир. Эътибор беринг, БМТ маълумотида кўра, ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдоси қурбонига айланади. Халқаро экспертлар баҳолашча, ушбу жиноятчилик ортидан олинаётган йиллик даромад миқдори 7 миллиард

АҚШ долларидан ортиқни ташкил этади. Ачинарлиси, одам савдосидан жабрланганларнинг 80 фоизи аёллар ва болалардир. Ҳар йили дунё бўйича 600-800 минг нафар аёл ва болалар алдов йўли билан хорижий мамлакатларга олиб кетилиб сотиб юборилмоқда. Жабрдийдалар жинсий зўравонликка, мажбурий меҳнатга дучор қилинади, энг мудҳиш томони улардан донорлик учун фойдаланилади. Фаровонлик ва турмуш даражаси ўта паст бўлган мамлакатлар аҳолиси одам савдосидан кўпроқ азият чекаётгани маълум қилинди. Шу боис ҳам бир неча халқаро ташкилотлар дунё мамлакатларини ушбу муаммонинг кўрсаткичларини камайтиришда ҳамкорликда ишлашга чақирмоқда.

Ўзбекистон одам савдоси билан қандай курашмоқда?

Биринчи ҳафта курашнинг ҳуқуқий асослари борасида фикр юритсак, 2008 йилда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди ва ўша йилда одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази ташкил этилган эди. 2019 йил 30 июлдаги "Одам савдосига ва

“
Ортиқча ҳою-ҳавасга берилмаслик, тез фурсат ичида мўмай пул топиб бойиб кетиш — бу каби ясама орзуларга ружу қўймасдан ҳалол меҳнат қилганда, сира кулликка тушиб қолмайди. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор. Бу ишсизлик. Ишсизлик муаммоси юқори экан одам савдоси домига тушиб қолишинг бирдан-бир манбаи ва сабаби бўлиб қолаверади.

мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент фармони қабул қилинган, бу соҳа қайта кўриб чиқилиб, мутлақо янги тизимнинг фаолияти йўлга қўйилди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси этиб қайта ташкил этилди.

Бироқ яна бир муаммо — қонунчилигимизда воқеа етмаган шахслар савдосига қарши курашишнинг ўзига хос жиҳатлари аниқ белгиланмаганлиги сабабли мазкур йўналишда фаолиятни самарали ташкил этиш имкони бўлмапти, — дейди Ички ишлар вазирлиги терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси масъул ходими Бехзод Мамажонов. — Хусусан, фуқароларимиз болани фарзандликка олиш бўйича қонун-қоидаларни яхши билмаслиги натижасида болани фарзандликка олиш мақсадида, чақалоқларни сотиб олиш ҳолатлари кўп учраётди. Оқибатда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар таркибида чақалоқ савдоси улуши 43,6 фоизни ташкил этмоқда. Тўғри, бу фақатгина бола асраб олиш билан боғлиқ жиноятлар, лекин келгусида бошқа мақсадларни кўзлаб бундай

ҳаракатлар содир этилишига ҳеч қанча кафолат бермайди.

Муаммони бартараф этиш учун яна қандай ечимлар керак?

Кишилар қачонки ўз юртида касби қорига эга бўлса, даромади чикимидан кўпроқни ташкил этсагина ўз ҳаётидан рози бўлиб яшати мумкин. Ортиқча ҳою-ҳавасга берилмаслик, тез фурсат ичида мўмай пул топиб бойиб кетиш — бу каби ясама орзуларга ружу қўймасдан ҳалол меҳнат қилганда, сира кулликка тушиб қолмайди. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор. Бу ишсизлик. Ишсизлик муаммоси юқори экан, одам савдоси домига тушиб қолишинг бирдан-бир манбаи ва сабаби бўлиб қолаверади. Демак, мамлакатда юқори маошли иш ўринлари сонини ошириш борасида сохта жадваллар эмас, амалий натижага эришиш бўйича ҳаракат қилиш лозим.

Қолаверса, аҳолини одам савдоси бўйича маълумотлар билан тез-тез хабардор этиш, оқибатларини ёдга солиш сира зарар қилмайди. Жамиятда мазкур муаммо ҳақида тўлиқ маълумот етарли бўлса, жабрдийдалар сони ҳам ўз-ўзидан камаяди. Тан олиш керак, бу глобал муаммо ҳақида ОАВда 31 июл арафасида чиқишлар кўпаяди, вақт ўтган яна мавзу ёпилади. Бу умумбашарий масала экан, ҳар кун, ҳар вақт муҳокама қилиш, ечим излаш учун айнаи фурсатдир. Йўқса, Дилшоджонлар тақдирига ўхшаш воқеалар такрор-такрор вужудга келаверади.

Наргиза ЮНУСОВА.

MEHRNING HAM UVOLI BOR

"Ҳар бир нарсанинг увולי бўларкан. Ҳатто жавобсиз меҳрининг ҳам. Ҳамма қатори мен ҳам севилиб турмушга чиқдим. Турмуш ўртоғим жуда оққўнли, меҳрибон инсон эди. Мени қаттиқ яхши кўрганидан доимо кўнглимга қарарди. Оилавий ҳаётимизнинг бошларида бахтдан сармаст эдим. Уларнинг кўрсатаётган меҳрибонликларига меҳр билан жавоб беришга ҳаракат қилардим. Орадан йиллар ўтиб уч нафар фарзандли бўлдик. Мен фарзандлар тарбияси ва уй-рўзгор ташвиши билан бўлиб у кишининг меҳрига меҳр билан жавоб беролмадим. Гоҳида жержиб ташлаган пайтларим ҳам бўлди. Турмуш ўртоғим шунда ҳам менинг кўлоп муомаламдан хафа бўлмас, ҳеч нарса бўлмагандай ўша-ўша ширинсўз, мулоийм эди. Тўғри баъзида аччиғи чиққанда сичқоннинг ини минг танга бўлиб ке-

тар, кўл кўтармаса, бақриб-чақирмаса ҳам ўз ўрнида айтилган аччиқ-аччиқ гаплари, ўринли танбеҳлари туфайли ҳайиқардик ҳам. Аммо доимо бизга ғамхўрлик қилиши, уйим-жойим дейиши, касал бўлиб қолсак кечалари мижжа қоқмаслиги — барча-барча яхшиликларни бизни мумдаи эритиб юборарди. Мен болаларимни боғчага жойлаштириб ишга чиқиб кетдим. Яна эримнинг ғамхўрлигидан фойдаландим. Бирда овқат қилдим, бирда йўқ. Баъзи пайтлари менга раҳми келиб кийимларини ҳам

ўзи ювар, ўзи дазмол қиларди. Мен яна у кишининг раҳмдилликларини суъистеъмол қилишда давом этмавердим. Барибир хафа бўлмайди, деб ўйлаганим

Ана шундай ғафлат босгани боис кунларнинг бирида эримнинг юриш-туришида ўзгариш сезиб қолдим. У менга анча безътибор бўлиб қолганди. Маълум вақт ўтгач ишхонасида бир бева аёлга айланишиб қолганини эшитиб қолдим. Билишимча у аёл жуда ширинсухан ва меҳрибон, мулоийм эмиш.

уқунми ширин сўзимни ҳам аяй бошладим. Тугилган кунларида, байрамларда эсдан чиқарадиган одат чиқардим. Ана шундай ғафлат босгани боис кунларнинг бирида эримнинг юриш-туришида ўзгариш сезиб қолдим. У менга анча безътибор бўлиб қолганди. Маълум вақт ўтгач

Gazetxondan maktub

ишхонасида бир бева аёлга айланишиб қолганини эшитиб қолдим. Билишимча у аёл жуда ширинсухан ва меҳрибон, мулоийм эмиш. Мен жанжал қилишгача этиб бормадим. Аёл бошқа бировга турмушга чиқиб кетди ва ишдан бўшди. Менинг меҳрибон эрим у билан орани бутунлай очик қилди. Аммо эндиликда у менга аввалгидек фидойий эмас. Мен унга қанчалик меҳрибонлик қилмай унинг юрагидаги тош эримаяпти. Шунда англадимки, йиллар давомида мен унга қилган эътиборсизлигим, меҳрига меҳр билан жавоб бермаганим қалбидаги муҳаббатни тошга айлантириб қўйган экан. Шунда яна бир нарсани англадимки, нимани қилсанг хор, ўшанга бўласан зор, деган гап бежиз айтилмаган экан. Ҳаддан ортиқ исроф қилинган меҳрининг ҳам увולי бўларкан."

С.ОДИЛОВА,
Андижон.

İPAKLARNING MUMTOZ QO'SHIG'I

Марғилон шаҳридаги ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Ёдгорлик” корхонасини топиб бориш қийин эмас. Фарғонача услубда ишланган нақшкор ёғоч эшиклар бу ерга киришни истовчилар учун доим очик. Маҳаллий ва хорижий сайёҳларни, кўпинча, корхона раҳбари Аъзамхон Абдуллаевнинг ўзи кутиб олади, рагон рус ва содда инглиз тилида Ўзбекистонда биринчи бўлиб саноат туризми ташкил қилинган корхонаси ҳақида шошилмасдан гапириб беради...



бахмалларнинг яратилиш жараёни, бошқача қилиб айтганда, ипакларнинг мумтоз кўшиги ёш хунармандни бир умрга ўзига боғлади, унинг бутун ҳаёти ипакчилик билан ҳамнафас бўлди.

– 1992 йилдан корхонамиз мустақил фаолият кўрсата бошлади, – дейди моҳир хунарманд, корхона раҳбари Аъзамхон Абдуллаев. – Ўтган давр мобайнида ипак матоларнинг янги-янги нусхалари кашф этилди. Заргарлик буюмлари тасвиридан нухса кўчириш анъанаси кенг қўлланилди. “Сирга”, “Зебигардон”, “Қашқар балдоқ”, “Тумор” каби янги-янги нусхалар фақат “Ёдгорлик”ка хос нақшнинг эришидир. Миллий матоларимиздаги мумтоз нақшларга ҳайрат билан боқадиган сайёҳлар миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган янги нусхаларни ҳам алоҳида қизиқиш билан кузатишади.

маҳсулот сифатида эътироф этилган. Бугун корхонада 250 нафардан зиёд уста-хунармандлар меҳнат қилишиб, чинакам санъат асарларини яратишмоқда.

“Ёдгорлик” аслида ишлаб чиқариш корхонасигина эмас, музей-корхонадир. Ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари – пилла толасидан тайёр мато олишдан ипак гилам тўқишгача бўлган барча жараёнлар Марғилонда сақланиб қолган қадимий хунармандчилик анъаналарига асосланади. Шунинг учун ҳам сайёҳлар уларга ҳақиқий музей экспонатига қарагандек қарайди.

Корхонанинг шоҳи ипакдан тайёрланган юздан ортиқ турдаги маҳсулотлари кўплаб Европа, Осиё мамлакатларида, ҳатто Жанубий Америкада ҳам харидорини топган. Россия, Англия, Япония, Германия, Италия, Хитой сингари ривожланган давлатларда айнан экологик тоза

Ҳозирда “Ёдгорлик” ҳовлисининг ўзида янги миллий меҳмонхона қад ростлаяпти. 30 нафар сайёҳга хизмат қилувчи шинам хоналардаги миллий дизайн ҳақиқий ўзбек хонадонини эслатади.

Уста-хунарманд Аъзамхон Абдуллаев 2006 йилда Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа тумани ёшларига тўқувчилик, гиламдўзлик хунарини ўргатиб қайтди. Туманда тўқувчилик цехини ташкиллашга кўмак берди. Ушанда “Ёдгорлик” мактабининг ўтаган Элликқалъа ёшлари ҳозир кичик цехни катта корхонага айлантиришган. Яқинда Қашқадарё вилоятининг Яқкабоғ туманидан 20 нафардан зиёд ёшлар корхонада хунар сирларини ўзлаштиришди.

Корхонанинг шоҳи ипакдан тайёрланган юздан ортиқ турдаги маҳсулотлари кўплаб Европа, Осиё мамлакатларида, ҳатто Жанубий Америкада ҳам харидорини топган. Россия, Англия, Япония, Германия, Италия, Хитой сингари ривожланган давлатларда айнан экологик тоза маҳсулот сифатида эътироф этилган.

Устанинг ўғли Афзалхон Абдуллаев Тошкент тўқимачилик институтини тамомлаб, отаси билан ёнма-ён меҳнат қилмоқда. Аъзамхон ака бу йил 60 ёшни қаршилади, қирқ йилдирки, хунари ортидан ҳалол насибли бўлди, толейи кулди. Ишонимизки, уста-хунарманд яна узоқ йиллар ўзбек ипакчилик саноати ривожини учун хизмат қилади. Зеро хунарга муҳаббатли, миллий қадриятларга садоқатли кишилар бор экан, ипакларнинг мумтоз кўшиги ҳам тинмайди.

Унинг болалиги Марғилоннинг шоҳи ипак жилоси, гўзал нақш-нигорларига тўла хонадонидан ўтди. Отаси Абдураззоқхўжа, бобоси Иброҳимхўжа қўлларида нафис матога айланган толаннинг кўз илғамас синоатини англашга уринаётган бола келажакда ўзи ҳам ипак матоларнинг янги нусхаларини кашф этиши, уни бутун дунёга кўз-кўз қила олиши ҳақида орзу қилгани аниқ. Зотан, унинг қонидаги хунарга муҳаббат тўғриси бобомерос, отамеросдир. Уша кезлардаёқ камалакранг либосда товляниб турган шойи, адрасу атлас ва

“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”НИНГ ҚИЗИЛ НАЙРАНГИ

Бугун маданият ва қадриятлар глобаллашуви либосларимизга ҳам ўз таъсирини кўрсатаётгани сир эмас. Ваҳоланки, кийим – инсоннинг дунёқараши, ички маданияти ва индивидуал психологиясининг кўзгуси. У аввало, ёшга, менталитетга, жинсга мос бўлиши, кўркам ва ярашимлилиги билан атрофдагиларнинг руҳиятига ижобий таъсир ўтказиши керак.



ларимизни “ўзлаштириб” олган “шоввозлар” энди азал-азалдан ўз-ўзимизники бўлган ранг – қизилни ҳам том маънода “тортиб олишаётир”.

Бундай фикрлаётганимиздан таажубга тушманг: ахир бугуннинг қизлари аёллик латофатига ҳамоҳанг ёрқин ранглардан кўра, тўқ ва жиддий рангларни ихтиёр этаётганлари рост-ку!

Тўғри, айримларнинг бу борада шахсий диди шаклланмаган. Улар ўзи идеал деб билган инсонларга ёхуд машҳур кишиларга тақлид қилиб кийинадилар. Эркакларнинг, айниқса ўсмир йигитларнинг ўта тор, юпка ва калта ва гулдор кийимлар кийиши замирида мактанчоқлик, ўзини ва баданини кўз-кўз қилиш каби иллат ҳам “мўралаб” туради. Бундай либослар кийишга қизиқувчан йигитлар психологияда “огилган руҳият” деб аталади. Қолаверса, бугунги давр йигитлари устки ва оёқ кийимларнинг ёрқин рангдаги, айниқса қизил тусдагиларини танлаб қияётганлари аксарият ҳолларда бизни эсанкиратиб қўяётгани ҳам бор гап. Ахир қизил, пушти,

сарик сингари ранглар зийнатли бўлиб, улар ўз номи билан қизларга хос нафисликни тўлдириб турарди.

Замонавий кийиниш услуби, мода талаби, деб “гулгун рангда ловуллаб бораётган” ака-укаларимизга таникли либос бренди усталари, ҳатто дунё модельерлари кундалигига ёзиб қўйиладиган машҳур эслатмани ёдга солмоқчимиз: “Мода ўткинчи ва албатта, қайтариқдир... Эркакларни эса у баъзан айланиб, баъзан уларга бутунлай билинмай ўтиб кетиши керак”.

Пайгамбаримиз (с.а.в.) “Мен қизил либосдан, тилла узукдан ва рукуъда қироат қилишдан қайтарилдим” деган эканлар. Янги либос кийсалар ёки кийимларини алмаштирсалар: “Эй Раббим! Бу либослар билан менинг кўринишимни чиройли қилдинг! Узингга ҳамд бўлсин! Энди хулқу одобимни ҳам, амалларимни ҳам ана шундай гўзал ва ёқимли қилгин!” деб дуо қилар эканлар. Уламоларимиз қил-қизил, яъни бошқа ранг аралашмаган, ловуллаган қизил рангдаги кийим кийишни эркаклар учун макруҳ эканлигини бот-бот тақдорласалар-да, айрим йигитларнинг қизилдан айриллмаётганлиги хавотирланарди.

Ҳазрат Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асариде: “Эркакларнинг ўзини кўз-кўз қилиш учун ясаини хотинларнинг оройиш учун безаниш-

лари кабидир. Аммо бу каби безаниш ҳар иккаласи учун ҳам номуносиб, хусусан, эркаклар учун кўпроқ шармандаликдир”, дея таъкидлаган. Бу ўлмас сўзлар эса ҳар қандай замонавий мода талаблари йигитлик гурури ва шаънидан устун бўлмаслигини исботлайди.

Ахлоқий ва диний тарбия ноқислик қилган тақдирда ҳам атрофдагиларнинг эътирозли назари “оммавий маданият”нинг қизил найрангига учган йигитларни, айниқса ўнгайсизланганлиги керак эмасми?! Ахир ҳалқимиз аввало, эл назарини улугълайди, ота-боболаримиз, ота-оналаримиз, аввало, элдан уялишган. Эл олдига чиқиш, эл билан бирга юриш тадоригини пухта кўришган. Одамнинг нимадан уялиши ва уялмаслиги эса унинг маънавий камолотда қай поғонага кўтарилганини аниқ кўрсатиб беради.

Қора – жиддийлик, жигаранг – босиқлик, кўк – ишонч, яшил – меҳр-муҳаббат, бинафшаранг – нафислик, оқ – эркинлик, кулранг – мувозанат, пушти – назокат, қизил – эҳтирос ва куч, сариқ – бахт ва кулги демакдир. Мана, хоҳлаганингизни ихтиёр этинг, бироқ сиз танлаган рангдаги либос, шубҳасиз, сиз ҳақингизда гапирсин, сизни бировга айлантирмасин!

Саҳифа муаллифи
Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА.

Shaftoli

viruslarni yengadimi?

Жаннат-макон юртимизнинг серхосил далаларида айни пишиқчилик вақти. Витаминлар билан тўлиб-тошган фойдали мева-сабзавотлардан қанча кўп истеъмол қилсак шунча кам. Шу shaftoli мевасининг авжи пишган палласи.

СЕРШИФО ШАФТОЛИ

Shaftoli мевасини ёқтирмайдиганлар ора-мизда кам учрайди. Бу мева нафақат тотли таъми билан, балки фойдали ва шифобахшлиги билан ҳам бarchага бирдек ёқади. Shaftoli овқат ҳазм қилишини меъёрлаштиради; суякларни мустаҳкамлайди; соч, тиш ва тирноқлар кўринишини яхшилади; стрессдан қутқариб, кайфиятни кўтаради; иммунитетни мустаҳкамлаб, вирусларга қарши курашади; қон таркиби ва юрак фаолиятини яхшилади; ортиқча сув йиғилишидан халос этади. Шу билан бирга халқ табобатида ревматизм, меъда-ичак касалликларида shaftoli гули ва баргидан тайёрланган дамлама беморларга тавсия этилади. Shaftolinинг эндигина узиб олинган гуллари сафро ҳайдовчи ва сурги воситаси

ўлдиради, унинг ёғи бош оғриғи, иссиқдан ва совуқдан пайдо бўлган қулоқ оғриқларида фойда қилади. Пишган shaftoli меъда учун яхши бўлиб, иштаҳани очиш хусусиятига эга. Аммо shaftolini овқат устидан ейиш тавсия этилмайди. Пишган shaftoli ични юмшатади, хоми эса қотиради.

инсонларга ҳам тавсия этилмайди, сабаби shaftoli асаб тизимини кўзғаш хусусиятига эга.

ВАЗН ТАШЛАШДА ФОЙДАЛИ

Агарда сиз озмоқчи бўлсангиз, унда shaftoli айни муддао. Улар ширин ва тўйимли бўлиб, лекин калорияси жуда паст. Shaftoli лар кайфиятни кўтариши



фосфор, магний ва бошқа моддалар кўпроқ бўлади. Бундай shaftolиларнинг 100 грами 48 кКални ташкил қилади. Туксиз shaftolилар туклиларига нисбатан яхши ва узоқроқ сақланилади. Тукли shaftolиларнинг пўсти нозиклиги сабаб ҳам, у тезда қорайиб қолади.

КОСМЕТОЛОГИЯ ВА ТИББИЁТДА

Shaftoli ёғи кўз атрофидаги мавсумий хиралик, куруклик ва ажинларни, шу жумладан қарчаган терини ёшартириш учун ҳам фойдали восита сифатида қўлланилади. У қисқа вақт ичида юз терисини тиклайдиган ва ҳар қандай ёшда ва ҳар қандай турдаги терига мос келадиган универсал восита ҳисобланади.

Фойдали моддаларга бой бўлган маҳсулот организмга ижобий таъсир кўрсатади. У қуйидаги хусусиятларга эга:

• Яллиғланишга қарши — маҳсулот терига ва ички яллиғланишларга қарши курашади, антибактериал таъсирга эга;

• Тикловчи — эпидермининг енгил жароҳатлари тезроқ тuzалади;

• Оғриқ қолдирувчи — маҳсулот турли касаллик ва шикастланишларда ноҳуш хисларни енгиллаштиради;

• Антиоксидант — shaftoli ёғи ҳужайралар қаришига қарши курашишда ёрдамлашадди ва уларни онкологиялардан ҳимоялайди;

• Мустаҳкамловчи — мунтазам қабул қилиб борилганда организмга ижобий таъсир кўрсатади, иммунитетни мустаҳкамлайди;

• Тозаловчи — ичга қабул қилинганда маҳсулот организмдан шлак ва захарли бирикмаларни чиқариб ташлашга кўмаклашади.

Shaftoli ёғининг юз учун асосий фойдаси — унинг таркибидаги табиий моддаларнинг бетакрор комбинацияси туфайли терини ёшартириш ва жонлантириш қобилиятидир.

Унинг таркибидаги кислоталар (линолеин, стеарин, олеин ва палмитин) терининг озиқланиши учун жавоб беради, уни қуриб қолиш, яллиғланиш ва кипикланишдан ҳимоя қилади. Ёд ва рух ноҳуш яллиғланиш, ёриқ ва ҳуснбузарлар билан курашади. Б витаминлари терини томирлар тўри ва пигментациядан халос қилади, рангини текислайди. А витамини — терини мустаҳкамлайди ва унинг эрта қуриши ва қаришини олдини олади.

Бундан ташқари, shaftoli ёғи терини атрофмуҳитнинг салбий таъсирлари — совуқ, шамол ва ултрабинафша нурланишидан ҳимоя қилади. Мунтазам фойдаланишда ажинларни текислайди.

Shaftoli ёғи сақловчи косметика воситалари юз овалини таранглаштиради, терининг пигментацияси ва кипикланишига қарши курашади.

Shaftoli ёғи таркиби фойз ҳисобида

Олеин кислота	55-67
Линолеин кислота	15-35
Палмитин кислота	5-8
Стеарин кислота	3

Асалнинг ҳам ози ширин деганларидек, ҳар қандай ноз неъмат, мевалар меъёрида тановул қилинса у танага витамин бўлиб кириши, саломатлигимиз мустаҳкамланишига ҳисса қўшиши мумкин. Аксинча ортиқча истеъмол қилинса ҳар қандай мева ҳам захарга айланиши ҳеч гап эмас. Шу боис, shaftolini ҳам мижозингизга қараб тановул қилишни тавсия этамиз.

Интернет материаллари асосида **Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА** тайёрлади.



ЗИЁНИ ҲАМ БОР

Қандли диабетдан азият чекувчилар shaftoli мевасини эҳтиёткорлик билан истеъмол қилишлари зарур. Shaftoli ўзида кўп шакар миқдорини сақлайди, шу сабабли ҳам бу мазали мевани меъёрида истеъмол қилган маъқул.

Бундан ташқари shaftoli аллергия чақириш хусусиятига эга. Айниқса, усти гул чанги билан қопланган shaftoli (тукли) тури аллергиян маҳсулот саналади. Шу боис, бундай хасталик билан оғриётган беморларга ҳам ушбу мевани истеъмол қилиш мумкин эмас. Шунингдек, кўп миқдорда shaftoli ейиш дисбактериоз (ич кетиши) ва ичаклар фаолиятининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Ушбу мева ҳаяжонга берилувчи

сабаб ҳам уларни шоколаднинг ўрнига истеъмол қилиш тавсия этилади.

Shaftolinинг 100 грами 45 кКални ташкил қилиб, улардан 0.9 граммини оксиллар,



0.1 граммини ёғлар ва 11.3 граммини углеводлар ташкил қилади.

ТУКЛИ ВА ТУКСИЗ ШАФТОЛИНИНГ ФАРҚИ

Туксиз shaftoliда туклиси ҳам нисбатан микро ва макроэлементлар, жумладан темир,

сана-лади.

Юрак уриши муаммоларида, камқонлик, меъда-ичак хасталиклариди, организмда кислотани миқдори тушиб кетганда, қорин дам бўлганда овқатланишдан 15-20 дақиқа олдин ¼ стакан миқдорда shaftoli шарбати ичиш тавсия этилади. Шунингдек, shaftoli меваси витаминларга бойлиги сабабли грипп ва УРВИ касалликларини олдини олишда, инфекция хасталикларда, авитаминозда ҳам қўлланилади.

Shaftoliда минерал моддалар бисёрлиги сабаб ундан камқонлик ва гастрит (меъда шиллик қаваги яллиғланиши) да даво мақсадида қўлланилади. Таркибида калий тузи мавжудлиги боис, у юрак билан боғлиқ касалликларда ҳам тавсия этилади.

Маълумот: Shaftolinинг баргидан олинган сув қулоққа томизилса, қуртларни

ONA TABIATGA BO'LGAN MEHR

yoхud tabiat muzeyidan joy olgan Turon yo'lbarси

Мамлакатимизда ёшларни маданий, тарихий ва бадиий меросимиз, умум-башарий қадриятлар, ўтмиш, илм-фан ёдгорликлари, халқимизнинг турмуш тарзи ва анъаналари, санъат асарлари билан таништириш ва уларда ватанга садоқат туйғусини мустақамлашга қаратилган ислохотлар изчил давом этмоқда.

Истиқлол шарофати билан барча соҳалар сингари музейлар фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Мустақиллик йилларида музейлар тизими салмоқли даражада ўсди.

Марказий Осиёдаги буй тарихга эга улкан илмий-маърифий маскан ҳисобланиб, кўп йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистон давлат табиат музейи залларида томошабинларни ўзига жалб қиладиган экспозициялардан бири табиий ландшафт усулидаги тўқайзор диорамаси ҳисобланади. Музей экспозициясидаги диорама музейга келувчилар эътиборини юртимиз ландшафтнинг алоҳида бўлаги эмас, бутун мажмуага тўла равишда қаратилади. Алоҳида ҳар бир элементлар эса диорамага қўшимча материал сифатида қўрилади.

Ландшафт бу табиат тур-

ли-туманлигининг маълум бир томони, мукамал табиий тузилмадир. Ландшафт деганда ер юзасидаги аниқ бир бўлак тушунилмай, балки бир оз умумийлашган ёки табиий мажмуалар гуруҳи ҳақидаги тасаввур тушунилади. Кўрғазмага қўйилган ландшафт турлари табиатимизнинг турли туманлиги ва ўзига хослигидан далолат беради.

Тўқайда кўплаб ҳайвонлар яшайди. Тўқай ўсимликлари йилнинг кўпгина даврида озуқа имкониятларига бой бўлади ва ўсимликлар билан овқатланувчи ҳайвонларни мўл озуқа билан таъминлайди. Тўқайларда қор унча қалин бўлмаслиги ва тез эриб кетиши сабабли ҳайвонлар қишда ҳам озуқа билан тўла таъминланган бўладилар. Тўқайнинг озуқа бойлиги билан бир қаторда, унинг химоя хусусиятлари ҳам ҳайвонларга жуда қўл келади. Бу айниқса уларнинг кўпайиш, болалаш даврида яққол сезилади.

Ўсимлик ва буталар билан бирга тўқай ландшафтининг табиий чиқишида Турон йўлбарси тулмуши жой олганлиги музейга ташриф буюрувчи катта ва кичик томошабинларда бирдек қизиқши уйғотади.

Турон йўлбарси йирик бўлиб, оғирлиги 240 кило-



граммгача бўлган. Катталиги бўйича кўплаб йўлбарсларни ортда қолдирган. Замонавий молекуляр-генетик маълумотларга кўра, йўлбарсининг бу тури амур йўлбарси билан ўхшаш бўлган. У турли ёввойи ҳайвонлар билан озиқланади. Кўчиб юрадиган тўнғизлар ординан турон йўлбарси Шарқий Қозоғистондан Олтойгача боргани ҳақида маълумотлар ҳам бор.

Ўрта Осиёда йўлбарсни «жулбарс», «жолбарс», «йол-

барс» деб ҳам номлашган. Турк тилларида «жол», «жул», «йол» маъносини билдиради, (ёки йўл-йўл барс). Шундай қилиб ушбу сўзни «дайди барс» ёки (йўл-йўл барс) деб таржима қилиш мумкин. Туркистонда, Тошкент атрофида сўнги йўлбарсни княз Голицин 1906 йилда ўлдирган. Ўлдирилган йўлбарс тулмуши ХХ асрнинг 60-йилларигача ёнғин экспонатни йўқ қилмагунча Тошкент табиат музейи залларининг бирида сақланиб келинган.

Ҳозирги кунда тўқайзор диорамасини беэза турган турон йўлбарси тулмуши С.Петербург шаҳрида таксидермист Заславский томонидан 1974 йилда Тош-

каккулаши, ҳаққонларнинг чириллаши эшитилиб туради. Сув устида денгиз қалдирғочлари шовқин сурон билан учиб юради. Кам учрайдиган Бухоро буғуси тўқайларда яшовчи ҳайвондир. Ўзбекистон ҳудудида уларни Амударёнинг тўқайларида учратиш мумкин. Бухоро буғусининг сақлаб қолиш, бу қимматбахо ҳайвонни овлашни тақиқловчи қарорнинг қатъий равишда бажарилиши талаб этилади.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, ўлкамизнинг сервиқор тоғлари нафақат осмон ўлар чўққилар, балки шифобахш сувлари, ёқимли ҳавоси, хушманзараси ва наботот олами билан ҳам қадрланади. Музей мавзуси билан боғлиқ ноёб материаллардан таркиб топган бой ҳамда мазмунли экспозицияларга эга музейлар бугунги кунда халқимиз ҳаётида шайниқса ёшлар маънавий дунёқарашини шакллантириш, уларда аждодларга нисбатан меҳр, ифтихор туйғуларини такомиллаштириш ва она табиатимизга бўлган қизиқишларини, атроф муҳитни авайлаб асрашни янада кучайтиришда муҳим вазифаларни амалга ошириб келмоқда. Шунинг учун унга ташриф буюрган ҳар бир инсоннинг дунёқарашини Ўзбекистон табиатига бўлган меҳри янада ошиб бораверади.

Зокиржон ШЕРНАЗОВ,
Ўзбекистон давлат табиат музейи маркетинг ва туризм бўлими бош мутахассиси.

Жиззах вилоятининг Зомин ва Бахмал туманлари туташган ҳудудда Супа санаторияси жойлашган бўлиб, ундан 12 километр жануби-ғарбда ўрта асрларга оид Тошбулоқтепа номи билан аталувчи ёдгорлик топилган. Бугунги кунгача сақланиб қолган бу ёдгорлик денгиз сатҳидан 2100 метр баландликда жойлашган. Бу ерда 2011 йилдан бери халқаро экспедиция Моргузар тоғи ва тоғ олди ҳудудларини ўрганиш лойиҳаси бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

Тошбулоқтепа номи билан аталган ушбу ёдгорлик узунлиги 3 километрга яқин унгур ҳудудида жойлашган бўлиб, унинг шарқий ва ғарбий то-

монлари майда тош тупроқли адирлик, шимолий томони тоғ тизмаси, жануб томони эса катта ҳажмли текис яйловлардан иборат.

– Тошбулоқтепада умумий майдони 7 гектарлик шаҳар турар-жой қолдиқлари аниқланган. – дейди Ўз ФА Археологик тадқиқотлар институти Жиззах экспедициясининг бошлиғи, тарих фанлари номзоди Мухтор Пардаев. – Бу ерда темирчилик ва хунармандчилик яхши ривожланган. Темирчи усталар хом ашёларни шу атрофдаги шахталардан олишган ва улардан уй-рўзгор буюмлари ясаган. Хунармандлар устахоналари бир вақтнинг ўзида дукон вазифасини ҳам ўтаб келган. Демак бу ерда ҳар ойда бир марта халқаро бозор савдоси ҳам

ташкил этилган.

Кўришиб турибдики, бундай бозорни ташкил этиш учун тоғли ҳудудда катта текис майдон керак бўлган. Бунинг учун айнан Тошбулоқтепанинг ён-атрофи мақсадга мувофиқ, деб топилган. Замонавий технологиялар асосида ўтказилган тадқиқотлар, изланишлар ва уларнинг ҳулосаларига кўра, шаҳар тураржойлари ҳамда қурилиш қолдиқлари тошдеворлар билан ўраб олинган.

Археологик қазув ишлари натижасида бу ерда пойдеворлари ҳам, деворлари ҳам тошдан кўтарилган темирчилик устахонаси ва унда чарҳда тайёрланган, сирланган сопол идиш парчалари, темир шакллари, темир буюмлар, Х-ХII асрдаги Сомонийлар ва Қорахонийлар

даврига оид бир қанча мис тангалар топилган.

Бу ашёлар аждодларимизнинг Моргузар ва Туркистон тизма тоғларининг ушбу ҳудудида мавжуд бўлган темир рудаси заҳираси ҳақида етарли маълумотларга эга эканликларини, тоғ-кон хунармандчилиги равақ топганлигини билдиради.

Яқинда ўқув даргоҳимиздаги “Ёш тарихчи” тўғарагининг бир гуруҳ аъзолари билан Тошбулоқтепага экскурсия уюштирдик. Ёш тарихчилар ёдгорлик ҳақида янги маълумотларга эга бўлдилар.

Нигора НОРҚУЛОВА,
Ғаллаорол туманидаги 44-мактаб тарих фани ўқитувчиси.

ТОҒ' ORALIG'IDAGI YODGORLIK

Oila va jamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 936. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ, Адади – 1150. Баҳоси келишилган нарҳда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусахҳих: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.